Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1990 йил 25 июль
ЧОРШАНБА
№ 169 (4.962).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Деҳқон таомили

ПУДРАТДА ГАП КЎП ЭКАН

Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхози иқтисодиётида сўнгги икки йилда юз берган ижобий силжишларнинг боисини ижара пудратининг жорий этилишига йўймоқдалар. Аслида ҳам шундай. Эътироф этиш керак, ҳозирча совхоз пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан кўплаб хўжаликлар билан беллаша олмайди. Лекин кейинги беш-олти йилда суғорма ердан фойдаланишга бўлган муносабатнинг ўзгараётганлиги, илғор агротехника усулларининг дадил қўлланилаётганлиги, ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида йиғиштириб олинаётганлиги қувончлидир. Аввалари не-не машаққатлар эвазига етиштирилган оқ олтин эгасиз қолиб кетарди. Шундай экан, ундан келадиган наф қандай бўлишини тасаввур қилиб кўраверинг. Пахтани шаҳарлик ҳашарчилар ва мактаб ўқувчилари қўйтиканлар орасидан базўр териб олишарди. Ҳосилдорлик эса ўн беш центнерга етар-етмасди. Энди-чи, манзара бутунлай бошқача. Ҳатто яқинда Ангор районидан келган ўзаро текшириш гуруҳи аъзолари хўжаликнинг пахта, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилаётган далаларида бўлганларида аҳвол дурустлигига ишонч ҳосил қилдилар.

— Чўл шароитида, маълумки, ишчи кучи кам. Шунинг учун чигитни кенг қаторлаб, эгатнинг пуштасига экиш кўл келмоқда, — деди бригада бошлиғи Ҳабибулла Холмуродов. — Буни икки йилдан буён синаб кўраяпмиз. Қўйтикан деган офат ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, айниқса пахтани машинада териш изга тушди. Ҳосилнинг 85—90 фоизи фақат агрегатларда саранжомланаяпти. Харажат кам, даромад мўл. Бу ижарачи учун жуда муҳим. Жорий йилда ҳосилдорликни ўттиз центнерга етказишни мўлжаллаганмиз. Бугунгача учинчи комплекс ишлов беришни ниҳоясига етказдик. Маромида озиқлантирилган, оби-тобида суғорилган ғўзаларда шоналар кўпайиб, текис гуллади.

Бобохон Сарибоев оиласи билан чўлга Сариосиё районидаги Свердлов номли колхозидан кўчиб келган. Бултур улар 24 гектар майдонда ўртача толали АН-60 навли пахта етиштиришди. Ҳар гектар майдондан режадаги 19,6 центнер ўрнига 27,6 центнердан хирмон кўтарилди. Бунинг эвазига сарфланган ҳар сўмга қўшимча бир сўм 24 тийиндан ҳақ олишди.

— Чўлга мўмай даромад қидириб келганимиз йўқ, — Бобохон ака дилидагисини яширмади. — Сариосиёнинг иқлим шароити бу ердагидан ер билан осмонча фарқ қилади. Ҳаммаёқ ям-яшил боғ-роғлар, салқин ва хушҳаво. Одамлари эса тош устида гул етиштиришга қодирлар. Лекин Тўрсунзода шаҳридаги алюмин заводидан таралаётган заҳарли модда туфайли иссиқ жойимизни тарк этдик. Аввалига ҳовлимиздаги мевали дарахтлар бирин-кетин қуриди. Эътибор бермадик. Аста-секин ёш болалар касалликка чалинди. Яна лоқайд қарадик. Сўнгра катталар ҳам заҳарзаққумдан тириша бошлашди. Шундан кейин хўжалигимиздаги ўнлаб онла чўлга кетишга мажбур бўлишди. Эшитишимизча, ҳозир у ердаги аҳвол олдингисидан ҳам танг экан. Бу масала иттифоқ, жумҳурият, вилоят миқёсида бир неча бор кўтарилган бўлса-да, натижасиз қолаётир. Инсон саломатлиги, унинг қадрияти, фарзандларимиз келажаги тўғрисида нуфузли минбарлардан айтилаётган дабдабали сўзларнинг кимга кераги бор?

Бобохон ака оиласи ҳозир дала бошидаги омонат уйда истиқомат қилишаяпти. Қишда ҳамкишлоқлари Умрзоқ Қорабоев ва Мамадали Қурбонов кўчиб келишди. Умрзоқ ака кўп йиллар мобайнида қишлоқ мактабларидан бирида ўқитувчилик қилди. Сўнгги пайтда саломатлиги ёмонлашгач, пенсияга чиқди. 64 сўм нафақа билан олти фарзандли оиланинг яшашини тасаввур қилиб кўринг-а. Устига устак бир ўғли, бир қизи уйлижойли бўлган, холос. Шароит оғирлигидан чўлга кўчиб келишга мажбур бўлди. Бу ерда уйнинг тайини бўлмаганлигидан оила аъзолари Сариосиёда туришибди. Умрзоқ ака билан Мамадали Қурбонов вагон-уйда кун кечиришаяпти. Мамадали аканинг айтишича, сўнгги икки йилда бир ўғли ва бир қизи нобуд бўлибди. Ўзининг ҳам созлиғи кун сайин ёмонлашавергач, чўлга отланибди.

— Сариосиё гўзаллигини, мафтункор табиатини энди тушимизда кўргандек бўлаяпмиз, — дейди у. — Чўлга келганимдан буён ҳийла тетикман. Вагон-уй қанчалик иссиқ бўлмасин, биз нафас олаётган ҳаво мусаффо. Амударё соҳилидан эсаётган эпкинни айтмайсизми? Биз бу ерлар ҳам келгусида Сариосиёдан қолишмайдиган бўстонга айланишига ишонамиз. Фақат ҳукумат қурилиш материаллари таъминотини яхшилаб берса, бас.

Звенода олти нафар ишчи бўлиб, улар жорий йилда 26 гектар майдонда ўрта толали пахта етиштиришаяпти. Мақсад: ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш. Кўчат бир текис. Яганадан чиқарилган. Ҳар гектар майдонда 110 минг туп ниҳол қолдирилган. Умрзоқ Қорабоев ва Мамадали Қурбонов навбат билан эгатларга сув тарашаяпти. Ғўзалар сувга қонаётир. Механизатор Иброҳим Сарибоев оби-тобига келган пайкалларга тўртинчи комплекс ишлов бермоқда. Культиваторга қарийб қирқта ишчи қисми тиркалган бўлиб, ғўза қатор оралари 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатилаяпти.

— Ижара пудратининг афзаллиги кўп, — дейди механизатор Холтожи Ражабов. — Ғўза қатор ораларига қачон ишлов бериш, эгатларга қай маҳал оби ҳаёт тарашни звено бошлиғи билан сувчи ёки механизатор ҳал этади. Хўжалик раҳбари, бош мутахассис эса назоратчилардир. Улар кўпроқ бизга зарур шарт-шароит яратиш тўғрисида қайғуришаяпти. Жорий йилда ишимизда хийла ўзгариш бўлди. Бултур механизатор белгиланган маошни оларди. Бу йил бир гектар сифатли культивация учун 2 сўм 50 тийин иш ҳақи белгиланган. Балл усул мавжуд. Бош агроном, бўлим бошқарувчиси, ижарачи механизмизни текшириб, баҳолайди. Сифатсиз ишга паст ҳақ тўланади. Ҳатто жарима тўлаши мумкин.

Холтожи Ражабов шу кеча-кундузда Эштўхта Пардаев ва Менгли Ражабов бошлиқ звеноларга қарашли 70 гектар майдондаги ғўзага ишлов бераяпти. Ҳосилни ҳам ўзи теради. Унинг ойлик маоши 350—400 сўмни ташкил этмоқда. Моддий манфаатдорликдан нафақат у, балки хўжаликдаги 76 нафар ижарачининг ҳаммаси мамнун.

Жорий йилда меҳнат аҳли 1700 гектар майдондан 3200 тонна оқ олтин хирмони яратишга аҳд этган. Далаларда меҳнат қизғин. Культиваторлар тонг саҳардан қош қорайгунгача пайкални тарк этмаётир. Чопиқчилар ҳам қўл қовуштириб туришгани йўқ. Ғўза бўғзини юмшатиб, бегона ўтга қирон келтиришаяпти. Асосий ишни сувчи ва механизатор бажараётганлигини таъкидлаш керак. Қўмлоқ ерда эгатлардан сувни етаклаб, ғўзани оби ҳаётга қондиришнинг ўзи бўлмайди-да.

Б. КЕНЖАБОЕВ.
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Поп районидаги «Навбаҳор» совхози ва Бувайда районидаги «Октябрь» колхози экин майдонлари бир-бирига туташ. Ҳар икки хўжалик деҳқонлари мусобақа асосида меҳнат қилиш билан бирга доимо маслаҳатлашиб турадилар, бир-бирларига йўл-йўриқ кўрсатишади, мўл ҳосил етиштириш борасида орттирган тажрибаларини ўртоқлашадилар. Бундай ҳамкорлик ғўза парвариши авж олган бугунги кунларда айниқса қўл келаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. «Навбаҳор» совхозининг 3-бўлими бошлиғи Ваҳобжон Эгамбердиев (ўнгдан), Октябрь» колхозидаги 9-бригада етакчиси Рўзали Парпиев ва шу бригада механизатори Мадаминжон Ғаниев. 2. Ишлов бериш пайти.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



БИРИ БИРИГА УСТОЗ

Хўжабод районидаги Ҳамза номли колхозда ғўза яхши ривожланмоқда, бўлиқ тупларда дастлабки қўсаклар пайдо бўлди. Ҳосил нишоналари кун сайин кўпайиб бормоқда. Ғўзанинг ривожи кечиккан жойларда эса қўшимча парвариш қилиниб озиқлантирилмоқда, бу тадбир қисқа муддатда ғўзанинг бир текис ривожланишига эришишни таъминлайди. Хўжалик пахта далаларини кўздан кечирган Марҳамат райони ўзаро текшириш бригадаси мутахассисларининг хулосаси ҳам ана шундай. Ишчи делегациясининг раҳбари, Марҳамат район деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Раҳмонберди Худойбердиев бундай деди:

—Биз бошқа хўжаликларда ҳам бўлдик, ишлар ўз вақтида сифатли бажарилаяпти. Аммо биз қўшниларни мақтаб қайтиб кетиш учун келган эмасмиз. Ташрифимиз ишга ёрдам бериши керак. Бобур номли колхоз далаларида ғўзани ўт босиб кетган, Собир Раҳимов номли колхоз далаларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалган, Калинин номли совхозда эса ғўза яхши ўсмаган пайкаллар бор. Касбдошлар билан ана шундай камчиликлар тўғрисида очиққасига суҳбатлашдик. Нуқсонларни тезроқ тугатиш учун бизнингча нималар қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат бердик.

Хўжабод райони пахтакорлари очиқчасига гаплашганликлари, маслаҳатлари учун дўстларга самимий миннатдорчилик билдирдилар ва дўстлар ёрдамидан сўзсиз фойдаланамиз, деб ишонтирдилар.

ДЎСТОНА ТАШРИФ

Илгари хабар қилганимиздек Ҳиндистон жумҳуриятининг Бош министри Вишванатх Пратап Сингх иттифоқимизда меҳмон бўлиб турибди.

* * *

Икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, барча соҳаларда Совет—Ҳиндистон ўзаро алоқаларини янада такомиллаштириш йўллари Кремлда бошланган музокараларнинг диққат марказида бўлди. Музокараларни Н. И. Рижков ва В. П. Сингх олиб боришмоқда. Кўп йиллар давомида вужудга келтирилган иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий алмашувлар имкониятидан янада тўлароқ фойдаланиш муаммоларига катта эътибор берилди.

* * *

М. С. Горбачев билан Ҳиндистон жумҳуриятининг Бош министри В. П. Сингх Катта Кремль саройида қўшма баёнотни имзоладилар. Ушбу ҳужжат бугунги кунда тинчлик мулкига айланган ва сиёсий амалиётга жуда уйғунлашиб кетган Деҳли декларацияси ғоялари ривожланаётганлигининг ҳам тасдиғидир. Ахборот соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳам ҳукуматлараро битим имзоланди.

Маросимда Н. И. Рижков, Совет — Ҳиндистон музокараларининг бошқа қатнашчилари ҳозир бўлишди.

* * *

Совет раҳбарияти номидан В. П. Сингх ва унинг рафиқаси шарафига зиёфат берилди.

Ҳиндистон ҳукумати бошлиғига сафарда ҳамкорлик қилаётган Ҳиндистоннинг расмий кишилари меҳмон билан бирга бўлишди.

Совет томонидан М. С. Горбачев рафиқаси билан, Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Самимий, дўстона муҳитда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев билан В. П. Сингх нутқ сўзладилар.

* * *

Ҳиндистон Бош министри В. Й. Ленин Мавзолейига борди ва гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

АМАЛИЙ КЕНГАШ

23 июль куни СССР Президенти М. С. Горбачев ҳузурида СССР Федерация кенгаши билан Президентлик кенгашининг сўнгги қўшма мажлисида эришилган аҳдномаларни ривожлантиришга доир амалий кенгаш бўлди. Кенгаш қатнашчилари бозорга ўтиш ва янги иттифоқ шартномасини тузишнинг бир-бирига боғлиқ жараёнлари хусусида фикрлашиб олдилар.

Кенгашда Президентлик кенгашининг аъзолари Ю. Д. Маслюков, Е. М. Примаков, А. Н. Яковлев, РСФСР Олий Совети раисининг биринчи ўринбосари Р. И. Хасбулатов, РСФСР Министрлар Советининг раиси И. С. Силаев, СССР молия министри В. С. Павлов, РСФСР молия министри Б. Г. Федоров иштирок этдилар.

Кенгашда сўзга чиққан М. С. Горбачев марказий идоралар ва РСФСРнинг тегишли идоралари ўртасида позицияларни келишиб олиш ва баҳамжиҳат ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлади.

(ТАСС).

УЮШМАЛАРДАН — ФЕДЕРАЦИЯГА

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши касаба уюшмаларининг жумҳурият федерациясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Федерация Ўзбекистон касаба уюшмалари съездида таъсис этилади ва жумҳуриятда шу вақтгача мавжуд бўлиб келган, кўп жиҳатдан эскириб қолган ҳамда ўта марказлаштирилган касаба уюшмалари органлари системасининг ўрнини эгаллаши керак. Съезд арафасида тармоқ касаба уюшмаларининг ҳисобот-сайлов ва таъсис съездлари бўлиб ўтмоқда.

* * *

Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба уюшмасининг биринчи съездида тармоқ меҳнатчиларининг олдида турган аниқ-равшан муаммоларни ҳал қилишда, яъни меҳнат шароитини яхшилаш ва ишлаб чиқаришда шикаст етишини камайтириш, «Уй-жой» ва «Сиҳат-саломатлик» программаларини, бошқа ижтимоий режаларни ҳал этишда касаба уюшмасининг роли тўғрисида гапирилди.

Съезд делегатлари тармоқ касаба уюшмасининг республика федерациясига қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар, ҳаракат режаларини белгилаб олдилар, раҳбар органларни сайладилар.

* * *

Ўзбекистон саноати химия тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясига кириши тўғрисида қарор қабул қилиниди. Тармоқ уюшмасининг устави қабул этилди, раҳбар органлар сайланди.

(ЎзТАГ).

ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ногиронларга, кексаларга, ёлғиз кишиларга ёрдам бериш муаммолари Наманганда тугалланган «Ҳозирги талаблар асосида жумҳурият аҳолиси ижтимоий таъминотини такомиллаштириш йўллари» жумҳурият семинар-кенгашида кўриб чиқилди.

Семинарда аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш масалалари фақат ижтимоий таъминот соҳасининг кундалик ишигина эмас, шу билан бирга партия, совет, хўжалик идораларининг, бошқа органларнинг ҳам иши эканлиги таъкидланди. Наманган вилоятидаги хўжалик ички маблағлари ҳисобига ўз ходимлари учун қўшимча пенсиялар тўлашни ташкил этган бир қанча хўжаликлар ва корхоналар тажрибаси ижобий баҳоланди. 74 та колхоз, 29 та совхоз, 36 та давлат, кооператив ташкилоти ҳар ойда 303 минг сўм нафақа тўламоқда.

Семинарда камбағал фуқароларнинг пенсияларига устама тўлаш тўғрисида ҳам гап борди. Ижтимоий ёрдам бўлимларининг фаолияти ҳам янада яхшиланишга муҳтож.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонуннинг асосий қоидалари ва ижтимоий таъминот идораларининг бу қонунни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашда Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ОЧИҚ КОСМОСГА ЧИҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Учишни бошқариш маркази, 24 июль. (ТАСС). «Мир» илмий-тадқиқот комплекси олтинчи асосий экспедицияси экипажининг парвози давом этмоқда. Астрофизик тажрибалар режаси доирасида «Глазар» ультрабинафша телескопидан фойдаланиб, осмон икки туркум суратга олинди. «Кристалл» модулига ўрнатилган «Букет» телескопи ва «Гранат» спектрометри ёрдамида коинотдан келадиган рентген, гамма ва нейтрон нурлар мунтазам ўлчаб борилмоқда.

Орбитал бўйлаб учиш шароитида ўсимликларнинг ривожланишини ўрганиш мақсадини кўзлаган космик биология режаларига мувофиқ кема ичидаги «Свет» ва «Светоблок-М» иссиқхоналарида тажрибалар давом эттирилмоқда. Тадқиқотлар объекти сифатида редиска, карам ва буғдой ўсимталари танланган. Душанба куни «Гель» деб аталган яна бир биологик тажриба бошланди.

Бугун Анатолий Соловьев билан Александр Баландин асосан скафандрлар ва ускуналарни 26 июль кунига белгиланган очиқ космик фазога чиқишга тайёрлаш билан шуғулланадилар.

Тиббий тадқиқот натижаларига қараганда командир ва борт инженерининг саломатлиги яхши.



ҒИШТНИ ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАШМОҚДА

ФАЙЗОБОД (Тожикистон ССР). Оржоникидзе номли совхоз меҳнаткашлари ғиштдан мустаҳкам қўрғонлар қуришни кенгайтириш имкониятига эга бўлдилар. Бу ерда хўжалик маблағи ҳисобига қурилган ғишт заводи ишга туширилди. Корхона йилига беш миллион дона ғишт пишириб беради. Бу уй қурмоқчи бўлган барча кишиларни камёб қурилиш материали билан таъминлаш учун етарлидир. Қўшни хўжаликлар эса шартнома нархларида ғишт харид қилишлари мумкин. Ҳозир жумҳуриятнинг кўпгина жойларида қурилиш саноатининг маҳаллий базаси ривожлантирилмоқда. Кейинги вақтнинг ўзидагина Пролетар районидаги Ленин номли колхозда, Куйбишев номли совхоз-техникумда ва бошқа хўжаликларда ғишт заводлари фойдаланишга топширилди.

ФЕРМЕРЛАР ЎҚУВИ

КАУНАС. (Литва ССР). Каунасдаги қишлоқ хўжалик мактаб-техникумида қишлоқ хўжалиги технологлари бўлимига кириш имтиҳонлари бошланди. Икки ярим йил ичида ёшлар ҳақиқий фермерлар учун зарур бўлган билимларни эгаллайдилар, агрономия, зоотехника, ветеринария асослари билан бир қаторда трактор, автомобиль ҳайдашни, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишни ўрганадилар. Бўлажак фермерлар боғдорчилик, сабзавотчилик, асаларичилик сирлари билан ҳам таништадилар. Ўқув программасига бухгалтерия ҳисоб-китоби ва рўзғор хўжалигини юритиш курси ҳам киритилган. Талабалар тажриба станцияларида, республиканинг ихтисослаштирилган хўжаликларида меҳнат тажрибасини ўтайдилар. Янги ихтисос ҳаммага манзур бўлмоқда. Литвада ҳозирнинг ўзидаёқ жамоа хўжалиги ерларини ижарага олишга қарор берган икки мингга яқин киши бор.

МАМЛАКАТ ВА ХОРИЖ УЧУН

МОСКВА. Люберецдаги Ухтомский номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида Финляндия, Дания, Швецияга КРН-2А ўроқ машиналарининг катта туркуми жўнатилди. Ана шу ўроқ машинаси янада қулай бўлиб қолди: унинг вазни енгиллашиб қамрови 10 метр кенгайтирилди, янги маҳкамлаш муфтаси аккумуляторларсиз ишлаш имконини беради. Ийл бошидан бери бу ерда пландан ташқари 8600 тадан кўпроқ серунум трактор ўроқ машиналари тайёрланди. Мамлакат колхоз ва совхозлари олдидаги шартнома мажбуриятлари ўз муддатида ва шикоятларсиз бажарилмоқда.

(ТАСС).

КУЗНИ КЎЗЛАБ

«Ўзбекистон» колхозининг Иқболиддин Салоҳиддинов бошлиқ бригадаси аъзолари жорий йилда 66 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан юқори нав пахта етиштиришга аҳд этишган. Ҳозир улар ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Механизаторлар ўртасида ташкил этилган мусобақада Ғиёсиддин Солиев пешқадам. У ҳар куни 7—8 гектар пайкални қўлдан чиқармоқда. Чеканкалаш, суғориш ва чопиқда эса Фатхиддин Эгамов, Ҳакимжон Қосимов, Маърифатхон Мўминова, Матлубахон Сотволдиева сингари колхозчилар ибрат кўрсатишмоқда.

У. АБДУЛЛАЕВ.
Ленин райони.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ, 23 июль. (ЎзТАГ). Бугун Хоразм вилоят партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари вилоят партия комитетларининг КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини тарғиб қилиш ва амалга оширишга доир энг муҳим вазифаларини муҳокама қилдилар.

КПСС XXVIII съездининг делегати, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова ахборот берди.

Пленум вилоят партия комитетининг мафкуравий, ташкилий-партиявий ва ҳуқуқий ишлар, ижтимоий-иқтисодий ва аграр сиёсат йўналишлари бўйича комиссияларини тузди.

Депутат билан мулоқот

ИНСОН ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛ

«Депутат — халқ хизматкори...» Халқнинг мухтор вакиллари ҳам, сайловчилар ҳам бу тушунчанинг туб моҳиятига тобора яқинлашиб бормоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари биринчи ва иккинчи сессияларида бу яна қайд этилди. Депутатлик юксак лавозим эмас, балки мураккаб, машаққатли фаолият эканини ҳамма ҳис қилмоқда. Сайловчилар ўз талабларини дангал ўртага ташламоқда, ўз вакилларини ҳақиқий амалий ишга даъват этишмоқда. Очиғини айтганда, баъзи депутатларда пинҳоний зорланиш ҳам сезила бошлади. Чунки халқнинг ўткир талабларини адо этиш осон кечаётгани йўқ. Шундай вазиятда халқ ишончини қозониш катта фидойиликни талаб этади. Яқинда мухбиримиз «Андижоннефть» нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ғанижон СОЛИЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ғанижон Солиевич, депутатлик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар содир этди? Сайловчилар ишончини қозонish, уларнинг талабларини адо этиш учун нималар қилаяпсиз?

— Очиғини айтсам, халқ юмушининг чеки-чегараси бўлмайди. Депутатликдан кўра бирор тармоққа раҳбарлик қилишни осон десам, янглишмасман. Маълум соҳани бошқарсангиз фаолиятингиз бир қамров доирасида кечади. Депутат эса ўз сайловчилари ҳузурида ҳаётнинг ҳамма жабҳасига жавобгар. Авваллари дам олиш кунларим бўларди. Бугун уни ҳам бой берганман. Одамлар орасида бўлиш, уларнинг талабларини тинглаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, тегишли идораларга бориб ҳал этишга баъзан вақт етмай қолаётир.

Ҳозирги мураккаб шароитда сайловчилар талабларини адо этиш ниҳоятда қийин. Чунки ҳаёт муаммоларга тўла. Уларнинг ечимини топиш керак.

Биргина мисол. Бизнинг Андижон вилоятимизда ҳам бугунги кунда ижтимоий, иқтисодий, маданий, мафкуравий муаммоларнинг энг чигал тугуни мавжуд. Аҳолининг таъминланиш даражаси паст. Жон бошига тўғри келадиган миллий даромад умумиттифоқ даражасининг 37 фоизини, жумҳурият даражасининг эса 50 фоизини ташкил этади. Вилоятда 50 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлаш керак. Ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусияти бўлади. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ахир бир либосни отасига ҳам, онасига ҳам, боласига ҳам кийинтириш билан ҳамма бут бўлиб қолмайди-ку. Бу оддий ҳақиқатни тушуниш керак.

— Айтинг-чи, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишдан аввал нималарни ҳал қилишни зарур деб ҳисоблайсиз. Амалий таклифларингиз қандай?

— Биринчи навбатда ишончли замин яратиш зарур. Ҳисоб-китобларга қараганда, Андижон вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ойлик даромаднинг энг кам миқдорини 85 сўмга етказиш учун 38 миллион сўм, умумиттифоқ даражасига етказиш учун эса 169 миллион сўм маблағ керак. Бу эртагаёқ бир зарб билан амалга ошиб қоладиган иш эмас.

Яна бир таклифим: ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотларга давлат буюртмасини камайтириш йўлидир. Пахта, пилла ва жун тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини дастлаб 50 фоизга тушириш ва шунинг билан бирга давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг камида чорак қисмини унинг ўз ихтиёрида қолдиришга эришиш зарур. Мана шунда иқтисодий мустақиллик сари қадам қўйилади.

Вилоятда етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми хом ашё сифатида бошқа регионларга юборилмоқда. Ширмонбулоқ тоғининг тошигина шу ерда қайта ишланиб, оҳак ҳолига келтирилмоқда, холос. Энг аввало пахтани қайта ишлашни такомиллаштириш керак. Шунинг ўзи асосий муаммолар ечимини ижобий ҳал этади. Етиштирилаётган пахта толасининг олтидан беш қисми вилоятнинг ўзида саноат негизида тайёр маҳсулот ҳолида қайта ишлансагина миллий даромад кўпаяди, бюджет барқарорлашади, одамларнинг модди манфаатдорлиги ўсади, ишсизлар иш билан таъминланади. Бу вазифани эса давлат ёрдамисиз амалга ошириш қийин. Унинг учун вилоятга 600 миллион сўм керак.

Пахтанинг харид нархини СССР ҳукумати таклиф этаётганидек 46 фоизга ошириш билан ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Уни ўзимизда тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаб, жаҳон бозорига чиқаришимиз керак. Ўз молини ўзи сотмаган деҳқон ҳеч қачон мустақил бўлолмайди. Шахсан мен шароитимиз ўхшаш Жанубий-Шарқий Осиё малакатлари тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

— Демак, бугунги муаммоларни ҳал қилишнинг бош йўли иқтисодиётни соғломлаштириш, уни ростмана оёққа турғазиш, деб ҳисоблайсиз.

— Худди шундай. Ҳозир ҳеч ким бозор иқтисодиётини хусусий мулкчиликсиз тасаввур қилолмайди. Шунинг учун майда корхоналарни, биринчи навбатда аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган тармоқлардаги (савдо, маиший, коммунал хизмат ва бошқалар) корхоналарни сотиб олмоқчи бўлган кишиларга имконият бермоқ керак. Шунингдек, хусусий мулкка айланган корхоналарнинг узлуксиз ишлаши, сифатли маҳсулот чиқариши учун иш маромини таъмин этмоқ зарур. Биринчи навбатда самарали иқтисодий дастгоҳларнинг тўла қувват билан ишлашига эришмоқ даркор. Иқтисодиётдаги касаллик даволанмас экан, депутатлар фаолиятидаги амалиёт тўлалигича намоён бўлмайди.

— Савдодаги тақчилликни бартараф этиш учун қандай амалий таклифларни айтмоқчисиз. Ҳуқуқшунос, иқтисодчи, савдо ходими сифатидаги фикрингиз қанақа?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида товарлар тақчиллиги бўлиши муқаррар. Бироқ бу тақчилликнинг салбий оқибатлари таъсирини камайтириш йўлларини қидириш керак. Мен шу ўринда қуйидаги таклифларни ўртоқлашмоқчиман. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишловчи дўконларни кўпайтириш ва уларнинг самарали ишлашлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бериш, барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўзимизда саноат асосида қадоқлашни узил-кесил йўлга қўйиш зарур. Камёб моллар билан савдо қилувчи шохобчаларда эса мавжуд харидоргир моллар ҳақида кунлик ёзма ахборотлар чиқариб туриш савдо маданиятига изчиллик бахш этади. Масалан, мазкур ахборотда харидоргир молларнинг тури, келтирилиши муддатлари, сотувга чиқарилиши ва харидорларнинг қайси гуруҳига сотилиши кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай йўл тутилса вақт тежалади, хизмат кўрсатиш маданияти шаклланади. Харидор ҳақига хиёнат қилишга чек қўйилади, норозиликлар аста-секин барҳам топади. Хуллас, сўзнинг мухтасари шуки, бошқариладиган бозор иқтисодиётига аста-секин, пухта замин, ҳар томонлама чуқур ўйланган ва пишиб етилган тўхтамларга таянган ҳолда ўтишгина келажакни таъминлайди. Биз, яъни бугунги авлод эса мамлакатнинг эртаси, келажак олдида жавобгармиз. Депутатлик масъулияти ҳам худди мана шу мақсаднинг қанчалик аниқ ҳал қилинишига қўшилган ҳиссада намоён бўлади.

— Жавобларингиздан англаб турибманки, даврнинг мураккаблиги, муаммоларнинг кўплиги, демократия ва ошкораликнинг турмушга сингиб бораётганлиги депутат масъулиятини ҳам ошириб юборди. Лекин яна бир гап, эрхотин жанжалидан тортиб, пахтанинг харид нархини оширишгача бўлган барча юмушлар депутат зиммасига тушаётир. Ҳаётнинг қайси жабҳасидаги муаммо бўлмасин, у депутат зиммасига юкланаётир.

— Одамлар ишонч билдириб, дил дардларини депутатга айтаётган экан, қўлдан келганича, имкониятни борича уларга ёрдам бериш керак. Лекин мен бошқа нарсадан хавотирдаман. Одамларимиз ўзи ишлаётган коллективда ёки маҳаллий партия, совет, мутасадди ташкилотлар зиммасидаги, ўшалар билан бевосита ҳал қилиниши мумкин бўлган юмушларни ҳам депутатлар олдига қўйишмоқда. Масалан, бир кун маҳаллада чироқ ёнмай қолса ёки икки соат сув келмай қолса ёхуд магазин вақтида очилмаса ҳам депутат ҳузурига чопишмоқда. Ҳар ҳолда бу ишларни бажарадиган кишилар, идоралар шундоққина ёнида. Томорқа ер олиш учун колхоз правлениесига, қурилиш материали учун қишлоқ Советига ариза бериш ўрнига депутатга ариза беришмоқда. Бу ишлардан нолимоқчи эмасман. Айтмоқчиманки, сайловчи ҳам депутат ваколатининг чегарасини билиши керак-да. Ахир депутатнинг ғишт пиширадиган, шифер ишлаб чиқарадиган заводи йўқ, у ёғоч-созлик комбинатига эга эмас, ёки унинг ихтиёрида уй қуриш учун ажратиб берадиган ери йўқ ёхуд катта қурилишни бошлаб юборадиган маблағи ҳам йўқ. Буни тўғри тушунмоқ керак. Депутат турли сабабларга кўра юришмаётган ишга кучланиш бериши, расмиятчилик, буйруқбозлик иллати билан тўхтаб қолган юмушларни изга солиб юбориш ҳуқуқига эга, холос. Масалан, Хўжаобод ноҳиясининг «Победа» колхозида газлаштириш ишларини бошладик. Лекин хўжаликда маблағ йўқлиги туфайли тўхтаб қолди. Ёки яна бир мисол: Кулла қишлоғининг иккита маҳалласи йўлини асфальтлашга тайёрладик. Шағал тўкдириб, текислатдик. Асфальт ётқизадиган ташкилот билан ҳам келишдик. Лекин Ойбек номли колхознинг маблағи йўқлиги сабабли иш кечикмоқда. Ёки Абдулла Набиев номли жамоа, Калинин номли шўро хўжаликларини газлаштириш лойиҳаларини тезлаштириб, ниҳоясига етказдик. Лекин газлаштиришнинг ички талаб ва қоидалари хўжаликларнинг иқтисодий ожизлиги натижасида тўхтаб турибди.

— Ҳар ҳолда депутат бўлиб сайланганингиздан норози эмасдирсиз?

— Мутлақо. Мени қувонтираётган бир нарса бор: сайловчиларда ҳам, халқнинг мухтор вакилларида ҳам тафаккурнинг уйғониш даври бошланди. Бу ҳар бир инсоннинг мустақиллик сари дадил қадам ташланаётганидан далолат. Депутат сифатида мана шундай жиддий баҳслар, ҳақли талабларга дуч келаётганимдан нолимайман. Инсоннинг оддий бир юмушига ярасам, унинг дилига малҳам бўлолсам ўтаётган умримдан батамом розиман.

Суҳбатдош: А. ҚОРАБОЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Ўлкамизда ғарқ пишиқчилик, боғбонлар ташвиши кўпайган пайт ҳозир. Дастурхон тўкинлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган Ховос районидаги Мичурин номли боғдорчилик совхози миришкорлари жорий йилда давлатга 2.160 тонна мева топшириш ниятида сидқидил меҳнат қилмоқдалар. 200 тонна қуритилган мева ҳам тайёрланади.

СУРАТЛАРДА: 1. Ишчилар С. Ниёзова, М. Юсупова ва Қ. Мамадалиева истеъмолчиларга жўнатиладиган олмаларни саралаб яшикларга жойламоқдалар. 2. Боғлардаги ҳосил. 3. Қуритиш цехи ишчиси Э. Бердиёров олмақоқи сифатини кўздан кечирмоқда.

П. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ПЕКИН. Хитой иқтисодчилари «Масъулиятли чекланган компаниялар тўғрисида ХХР қонуни» лойиҳасини бозор иқтисодиёти сари ташланган янги қадам сифатида баҳоламоқдалар. Давлат иқтисодий системани ислоҳ қилиш комитетида ана шу лойиҳани тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Пекинда мамлакат олий қонун чиқарувчи органининг навбатдаги сессияси бошланадиган вақтда келаси йилнинг мартидан кечикмай ушбу ҳужжат Умумхитой халқ вакиллари маждиси муҳокамасига қўйилиши режалаштирилмоқда.

Ҳозир ишлаб чиқариш босқичида турган бошқа ҳужжатлар — акциялар тўғрисидаги қонун қаторида юқорида тилга олинган қонун лойиҳаси «Хитойда узоқ вақтдан бери амалда қўлланиб келинаётган мулкчиликнинг бир шаклга келтирилган системасидан ёриб чиқиши учун муҳим омил бўлиши мумкин, у тижоратчилик системаси асосида корхоналарнинг жамғармаларни ва мулкчилик ҳуқуқларидан янада самарали фойдаланишга кўмаклашади», деб ёзади Пекинда чиқадиган «Чайна дейли» газетаси. Хитой мутахассислари мулкнинг учта асосий тонфасини алоҳида ажратишмоқда, деб ёзади газета. Бу давлат, жамоа ва якка тартибдаги мулкдир. Бундай талқин иқтисодий андозага мўлжалланган бозорнинг ривожланиш манфаатларига мос келмайди. Аслида, деб эслатади газета, икки қонун устидаги ишлар 80-йилларнинг аввалидаёқ бошланган эди. Бироқ, уларнинг вариантлари тайёр бўлиши билан «тортмага солиб қўйилганди».

Янги ҳужжатда компанияларнинг ҳуқуқлари, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари аниқ кўрсатиб берилади. Лойиҳанинг муҳим мақсадларидан бири — Хитой компанияларининг жаҳон бозорига чиқишларига кўмаклашишдир, чунки «кўпгина хорижий бизнесменлар ўзларининг хитойлик шериклари халқ томонидан қабул қилинган амалиётга мувофиқ ишлашларига юз фоиз ишонч бўлишини хоҳлайдилар».

●

ИСЛОМОБОД. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния ташкилотларининг муфти Муҳаммад Содиқ Мамаюсупов бошчилигидаги делегацияси Покистон пойтахтига келди. Делегация аъзолари Покистонда ўн кун бўладилар. Шу кунлар ичида улар мамлакат мусулмон руҳонийлари намояндалари ҳамда сиёсий арбоблари билан учрашадилар. Исломобод тайёрагоҳида Муҳаммад Содиқ Мамаюсупов журналистларга айтишича, у Афғонистон қуролланган оппозицияси ушлаб турган совет ҳарбий асирларини озод қилиш мақсадида куч-ғайрат сарфлаш ниятидадир. Совет мусулмонлари делегацияси ушбу масалани муҳокама қилиш учун Покистон расмий кишилари билан, шунингдек мужоҳиддинларнинг Пешовардаги «ўтиш ҳукумати» вакиллари билан учрашишни режалаштирмоқда.

●

СОФИЯ. Болгарияда бензин ва суюқ ёқилғининг бошқа турларининг нархи қарийб икки баравар кўтарилади. БХР Министрлар Кенгашининг бу ерда тарқатилган хабарида нефть таъминотида жуда катта қийинчиликлар бўлаётганлиги муносабати билан шундай қарорга келинганлиги айтилади. Бундай қийинчиликлар айниқса кейинги вақтда кескин тус олди.

СССРдан Шарқий Европа мамлакатларига экспортнинг қисқартирилиши, шунингдек, давлатнинг валюта аҳволи, деб маълум қилинади хабарда, яқин йиллар ичида Болгарияга нефть етказиб беришни кўпайтиришга имкон бермайди. Айни вақтда ресурсларнинг танқислиги, улардан самарасиз фойдаланиш ва истеъмолнинг муттасил кўпайиши бозордаги аҳвол кескин ёмонлашишига олиб келди. Болгар фуқаролари ҳам, хорижий фуқаролар ҳам суюқ ёнилғи билан чайқовчилик қилмоқдалар. Рўй берган аҳволдан чиқиш йўлини бозор иқтисодиёти принципларини амалга оширишдан қидириш лозим, дейилади ҳужжатда. Министрлар Кенгаши муайян эҳтиёж ҳамда таклифларга, шунингдек нарх-навонинг халқаро даражасига асосланиб, нархларни ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

●

ДАМАШҚ. Кейинги икки кун ичида Фаластин қочоқларининг босиб олинган Ғазо шўъбасидаги Рафаҳ, Хон Юнус ва Жабалия лагерларида Исроил аскарлари билан қаттиқ тўқнашувлари оқибатида фаластинликларнинг муттасил давом этаётган норозилик намойиши қатнашчиларидан камида 23 киши жароҳатланди. Ғазо шўъбасининг маъмурий марказида араб ўсмирлари гуруҳи армия соқчиларини тошбўрон қилаётганида Исроил ҳарбий хизматчиси жароҳатланди.

(ТАСС).



ХОНАДОНЛАРГА ЗАНГОРИ ЁНИЛҒИ

Ўзбекистон билан Туркманистон чегарасида, Ўрта Осиёдаги энг катта Толимаржон ГРЭСи қурилиши яқинида жойлашган ёш «Нуристон» чўл посёлкасини газлаштириш бошланди. Хонадонлар учун «зангори» ёқилғи Шўртон конидан келади.

Бу воқеа Қашқадарё вилояти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки айни ободончиликнинг ва маиший қулайликларнинг, шу жумладан табиий газнинг йўқлиги Қарши чўлидаги кўпгина қўриқ посёлкаларни яшаш учун яроқсиз қилиб қўйди ва янги кўчиб келганларни бу ердан кетиб қолишга мажбур қилди.

«Каршистрой» бирлашмаси қурувчилари ҳозир қўриқ посёлкаларини газ билан таъминловчи қувурларни тез суръатлар билан ўтказмоқдалар. Ихтисослаштирилган бўлинма — 10-махсус механизациялашган кўчма колонна ташкил қилинди. Унинг вазифаси шу йилнинг ўзидаёқ Қарши чўлида 210 километр газ қувури ётқизишдан иборатдир. Шартномаларга мувофиқ улар учун қувурларни Россия Федерацияси — Саратов, Волгоград вилоятлари ва Татаристон АССРдаги корхоналар етказиб беради.

Ғузор районидаги Куйбишев номли совхозда соя етиштиришга ихтисослаштирилган бригада тузилди. Ҳўжаликда бу экин дастлаб ўтган йили синаб кўрилди: чорвачилик фермаси мудири Донецк областидан 24 килограмм уруғлик келтириб экди. Тажриба майдонидан 700 килограмм ҳосил олинди.

Жорий йилда пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига 20 гектарда соя ўстирилмоқда. Бригада бу ерни ижарага олди.

СУРАТДА: ижарачи бригада аъзолари М. Пўлатова (чапдан), Ш. Сафаров, Л. Бозорова ва Ю. Ражабов далада.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Ижарачи жамоаларда

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

ИККИ ЙИЛЛИК ТАЖРИБА

Самарқанд паррандачилик бирлашмасининг А. Абдуллаев бошлиқ бригадаси икки йилдирки, ижара асосида ишлаяпти. Ўтган йил ва шу йилнинг биринчи ярми якунларига кўра 14 нафар ходимдан иборат бу ихчам жамоа «Узптицепром» таркибидаги энг яхши коллектив деб тан олинди. Уларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

— Биз паррандачилик хўжалиги маъмурияти билан ижара шартномаси тузиб, уларга 28.670 минг дона туҳум топширишимиз лозим эди, — дейди бригада бошлиғи. — Мўлжалдагидан зиёд маҳсулот топширишга эришдик. Паррандалар маҳсулдорлиги оширилди: ҳар товуқдан пландаги 199,3 ўрнига 208,3 тадан тухум олинди. Пландан ташқари сотилган маҳсулот эвазига бригада ҳамёнига 3 минг сўмдан зиёд пул тушди.

Бу 1989 йил кўрсаткичлари. Жорий йилдаги натижалар қандай? Аҳил жамоа ўтган йилги кўрсаткичлардан ўзиб кетиш учун сидқидил меҳнат қилаяпти. Ўтган даврда 15 миллион донадан зиёд тухум олинди. Ижарачилар меҳнати юксак рағбат топаяпти. Масалан, Р. Убайдуллаева, Л. Мкртчян, М. Норматова сингари паррандабоқарлар ҳар ойда 400—500 сўмдан иш ҳақи олишмоқда.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР

Яқин-яқингача СССР 50 йиллиги номли Қувасой паррандачилик бирлашмаси озуқакорлари идишларнинг ҳар бирини 90 сўмдан Қизилқия шаҳридаги механика заводидан сотиб олишарди. Яқинда қувасойликлар ана шу тақчил технологик жиҳозни ўзлари ишлаб чиқара бошладилар. Ў энди атиги 51 сўмга тушаяпти.

Бу паррандачилик хўжалиги устахонасининг самарали ишлаб чиқариш фаолиятидан биргина мисол. Унинг цехларида ғоят сергайрат, ишбилармон кишилар меҳнат қилмоқда. Олтинчи разрядли темирчи И. Болучевский ана шу тоифадагилардан. Қўли гул усталарнинг гайрати туфайли шу йилнинг ўзида уч юзтагача номдаги узел ва деталларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Иш қуроллари йиғмасини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Бирлашма ўзидан ортган маҳсулотларни «Узптицепром»нинг турдош корхоналарига сотмоқда.

1990 йилдан бошлаб устахона паррандачилик хўжалиги билан тузилган шартнома асосида ишлаяпти. Эришилаётган муваффақиятларнинг боиси шунда.

ОДДИЙ ТОВУҚХОНА ЭДИ...

Сўнгги беш йил мобайнида 2-Урганч бройлер фабрикасида парҳез гўшт ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд кўпайди. Ўтган йили 2.100 тонна маҳсулот етиштирилди. Бу йил эса мазкур кўрсаткич яна 400 тоннага ошади.

Маҳсулотнинг миқдор ва сифатнинг ўсишига ички имконият ҳисобидан эришилмоқда. Ҳозирги пайтда бир қатор цехларда товуқларни уч қаватли тўрсимларда боқиш технологияси жорий этилмоқда. Бу илгариги усулга нисбатан хийла самарали. Мавжуд майдончаларда икки ҳисса кўп паранда боқиш ва тегишли равишда икки ҳисса кўп маҳсулот олиш имкони бор.

Корхонани қайта жиҳозлаш билан бир пайтда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор шакллари ҳам кенг қўлланилаяпти. Товуқбоқарлар Қурбонова ва Пирнафасовалар товуқхонани ижарага олишиб, бир боқимда бройлерларнинг вазнини 1.700 граммгача етказишга муваффақ бўлдилар.

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

Урганч умумий овқатланиш трестининг ёрдамчи хўжалигини 20 йил муддат билан ижарага олган Отабек Хўжаев хонадони тасарруфига бино, жиҳозлар, техника воситалари, ер участкаси берилган.

Ижарачи оила бошлиғи ва бир неча қариндош-уруғлар жорий йилда 20 тонна мол, қўй, чўчқа гўшти етиштиришлари зарур. Яқинда барпо этилган ҳовузда балиқ етиштириш ҳам кўзда тутилаяпти. Шартномага кўра пландан ташқари етиштирилган маҳсулотлар ижарачининг хоҳишига биноан сотилади.

Ўн йилдан буён зарар кўраётган хўжалик жорий йилнинг уч ойидаёқ рентабелли жамоага айланди. Олти ой мобайнида трестга 10 тоннадан зиёд гўшт топширилди. Ҳademай зоғора балиқларни тутиш бошланади. Ўн беш кишилик жамоа қисқа муддат ичида қорамоллар сонини 120 тага, қўйлар туёғини 300 тага етказишга муваффақ бўлдилар.

Ижарачилар узоқни кўзлашмоқда. Озуқа цехи қуришни бошлаб юбордилар. Зарур жиҳозлар аллақачон келтириб қўйилган. Миришкорлар бу йил чоғроққина паррандачилик фермаси ташкил этишни мўлжаллашаяпти. Улар етиштираётган маҳсулотларга парранда гўшти ва тухум ҳам қўшилади.

Отабек Хўжаев ва унинг тайёрловчи бўлиб ишлаётган отаси Аллаёр Хўжаевнинг ишлар бошланишидан кўнгиллари тўқ. Эртаги кунга ишончлари комил.

И. АХМЕТОВ.

БИРЛАШГАН МАТБУОТ МАРКАЗИ

Ўшда тузилган бирлашган матбуот маркази мишмишлар ва уйдирмаларга қарама-қарши ишонарли маълумотларни тарқатади. Матбуот маркази Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Қирғизистон ССР Ички ишлар министрлиги, Андижон ва Ўш вилоят ижроия комитетлари Ички ишлар бошқармаларининг вакилларидан тузилди.

ЎзТАГ мухбири ушбу воқеани шарҳлаб беришни Андижон вилоят ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция майори М. Шамсуддиновдан илтимос қилди.

— Мақсадларимиз ва вазифаларимизни, — деди у, армия қисмлари, ички қўшинлар бўлинмалари ва милиция шахсий составини орасида миллатлараро муносабатлар масалалари юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришдан; матбуот, телевидение ва радио орқали чиқишларни мунтазам тайёрлаб боришдан; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг марказий ва жумҳурият оммавий ахборот воситалари журналистлари билан учрашувларини, брифингларни ўтказишдан иборат, деб таърифлаган бўлардим. Ниҳоят, аҳамияти жиҳатидан энг муҳим вазифа: аҳолини фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг қўшни вилоятларида вазиятни барқарор этиш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб туришдан иборатдир.

ОСМОН ҚАРОҚЧИСИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

23 июль куни Ригадан Мурманскка йўл олган 8307 рейсли ТУ-134 самолётини олиб қочишга уриниш бўлди.

Ҳаво кемаси Ригада осмонга кўтарилиб, парвоз қилганидан сўнг 57 дақиқа ўтгач, йўловчилардан бири бортпроводник орқали экипажга қуйидаги сўзлар ёзилган хатни бериб юборди: «Ҳаво кемаси хавф остида. Йўлни Стокгольмга буринг, самолёт исталган дақиқада парчаланиб кетиши мумкин». Экипаж экстремист билан уни жиноий ниятдан қайтишга ишонтириш учун музокаралар олиб бора бошлади. Ҳаво кемасининг командири В. Т. Абеле йўловчилар ва уларнинг юклари синчиклаб кўздан кечирилганлиги, бунга ишонч ҳосил қилиши мумкинлиги тўғрисида ердан хабар келгач, Петрозаводск аэропортига қўнишга қарор қилди. Самолёт соат 12 дан 25 минут ўтганда аэропортга қўнди, бу ерда Карелия АССР давлат хавфсизлиги комитетининг жиноятчиларни қўлга олиш гуруҳи самолётни олиб қочмоқчи бўлган кишини ушлади. У Виктор Владимирович Коваленко бўлиб, 1968 йилда Ригада туғилган ва шу ерда яшаб, ҳеч қаерда ишламас экан. У қўлга олинаётганида ёнидан портловчи қурилма чиқмади.

Экипаж ва йўловчилар жабрланмади. Тергов олиб борилмоқда.

Съезддан кейинги мулоҳаза

ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДА ДАВРА СУҲБАТИГА ТЎПЛАНГАН КИШИЛАР СУСТКАШЛИК ФАҚАТ КПССГА ЭМАС, АЙНИ ВАҚТДА БУТУН ЖАМИЯТИМИЗГА ҲАМ ХАВФЛИ, ДЕБ ҲИСОБЛАШМОҚДА

Учрашувда КПСС XXVIII съездининг делегатлари — «Маликa» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг котиби Галина Арсентьевна Григорян, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта мастери Дилором Мусабекова, «Ташметрострой» трести проходкачилар бригадасининг бошлиғи Александр Васильевич Глубокий, 3-уйсоинки комбинатининг электрпайвандловчиси Ўрмон Миралимович Зокиров қатнашдилар.

Съезддан кейинги дастлабки ҳафтада делегатларнинг ҳар бири коммунистлар, меҳнат жамоалари билан кўп марталаб учрашди. Кўпчилигимиз партия анжуманини ишини зангори экран орқали диққат билан кузатган бўлишимизга қарамай, жонли таассуротларга қизиқиш ниҳоятда катта. Шундай қилиб, делегатларнинг ўзлари съезддаги муҳитни қандай қабул қилдилар, бугунги кунда одамлар уларнинг гапларига қандай муносабатда бўлмоқдалар, Ўзбекистон делегацияси қай даражада самарали ишлади, биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида давра суҳбатига тўпландик. Зотан, Ўзбекистон вакилларини экранларда унча кўп кўрганимиз йўқ — давра суҳбати ана шу мавзудан бошланди.

Ў. Зокиров. Ишлаш съездда нутқ сўзлашдангина иборат, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Биз секция мажлислари вақтида кўп иш қилдик, асосий ҳужжатларга анча қўшимчалар ва тузатишлар киритдик ва уларни амалга оширишга эришдик. Делегациямиз ўйлайдиган, бугун партия олдида турган муаммолардан ташвишга тушган, уларни нима учун бу ерга юборишганини ва қандай масалаларни ҳал этишлари лозимлигини тушунишяпти. Мен аъзолик бадалларини икки ойлаб тўлаган коммунистлар билан суҳбатлашдим — улар съезд ўтсин, кейин гаплашамиз... қабилида фикр юритишган экан. Мен улар билан ошкора гаплашдим. Ҳозир улардан ҳеч қандай шубҳа ва иккиланиш йўқлиги маълум бўлди. Кучлар жипслашади, деб ўйлайман. Ҳатто одамларнинг бир қисми партиядан чиққанида ҳам шундай бўлади.

Мухбир. Жипслашиш, янгиланиш... буларнинг ҳаммаси яхши, лекин уларга қандай усуллар билан эришилади? Сайлов кампаниясини эсланг. Партия ҳодимлари ўшанда мутлақо нодемократик йўл тутишганди. Бундан кейин ҳам шундай бўлса-чи?

Ў. Зокиров. Фикрингизга қўшиламан, Олий Совет ва маҳаллий Советларга сайловда партия комитетлари «тазйиқ» ўтказадилар— мен бу фақат қолдиқ ҳодиса эканлигига, сусткашлик эканлигига, ўзгарган шароитда янги усулларни қўлланиш уқуви йўқ эканлигига ишонгим келади. Лекин, менимча, бугунги кунда коммунистларнинг ўзлари бунинг тақорланишига йўл қўймайдилар. Ўтган давр ичида демократия сари катта қадам ташладик, ҳар қандай зўравонликка қарши турувчи муайян кучлар пайдо бўлди.

Съезд бизни шундай қадам ташлашга мажбур этади. Агар бундан кейин ҳам эски усуллар билан ишлайдиган бўлсак, одамлар биздан юз ўгиришади. Ҳозир бошқа партиялар пайдо бўлмоқда ва ким кўпроқ демократ эканлиги, ким халққа яқинлиги борасида кескин кураш авжига чиқади. Одамлар қалбига йўл топган партия ортидангина улар эргашадилар. Агар биз эскиликка ёпишиб олсак, унда бу бизнинг сўнгги «ўйинимиз» бўлади.

Мухбир. Съездда Марказий Комитет, партия бошқа раҳбар органларини сайлаш жуда катта воқеа бўлди. Сайловда у ёки бу даражада тенг бўлганларнинг муҳокамаси авжига чиқди. Горбачевга қарши юзлаб овоз берилганлигининг ўзи сайлов эркинлигидан дарак беради. Ахир, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди-да!

А. Глубокий. Афсуски, бу фикрга қўшила олмайман. Жамиятимиз қай даражада халқчил бўлмасин, ўтган 72 йил давомида ишлаб чиқилган сайлов омиллари бор. Унда таклиф этилган номзодларнинг ҳаммаси, одатда, ўтадилар. Мен қарийб тўрт юз киши таклиф этилган дастлабки рўйхат учун овоз бердим. Аслида, ҳақиқатан ҳам ошкора ҳалақит берадиган одамларнигина ўчириб ташлашим мумкин эди. Лекин мен ҳокимиятнинг юқори погонасида турганларнигина кўрдим ва уларни билардим... Марказий Комитетнинг янги таркиби тузилди, албатта, у анча демократик асосда тузилди, лекин омиллар эскилигича қолаверди. Боз устига номзодлар бизда унчалик демократик усуллар билан кўрсатилмади.

Айрим минтақаларда сайловни конференциялар ва съездларда эмас, балки партия округларида ўтказиш тажрибаси мавжуд. Бу ҳар ҳолда анча демократик шакл бўлиб, у ўзини оқлайди. Худди шу нарса асосий қоида бўлиб қолиши керак.

Мухбир. Дарвоқе, Ўзбекистонда ҳам, Бухоро вилоятида ушбу усул синаб кўрилган.

А. Глубокий. Бу фақат биттагина мисол. Тўғрироғи қоида тусига кирмаган истиснодир, холос. Асосан эса партиямиз ҳозирча ўзи ўрганиб қолган йўлдан боряпти. Шу боисдан ҳам съездга тўпланганлар таркиби унчалик яхши эмас. У ерда ҳар ҳолда партия номенклатурасидаги ходимлар, яъни партия идораларидаги «раҳбар» ходимлар деб аталган кишилар кўпчиликни ташкил этарди.

Г. Григорян. Ахир, съезд партия съезди эди, унда партия ходимлари кўпчиликни ташкил этиши лозим эди.

А. Глубокий. Хўш, нима учун «раҳбарлар» бўлиши керак? Ахир, ижтимоий мутаносиблик йўқ эди-ку.

Мухбир. Ҳақиқатан ҳам, нима учун шундай бўлиши керак? Оддий коммунистларчи— бу уларнинг съезди эмасми?

Г. Григорян. Тўғри, бу барча коммунистларнинг съезди. Лекин биз янги мураккаб ҳужжатларни, жумладан, партия Уставини ишлаб чиқаётган эдик. Ишнинг нозик томонларини ким яхши билади — «раҳбарлар»ми ёки ҳужжатлар ишлаб чиқишга ҳеч қачон ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва айтайлик, партия топшириқларини бажармаган ходимми? У умумий ишга қандай ҳисса қўшади? Наҳотки, шундай ҳоллар бўлмаган? Бўлган.

А. Глубокий. Хўш, улар партия ходимларига нисбатан масалаларни, муаммоларни камроқ биладиларми?

Г. Григорян. Партия ва хўжалик органлари вазифаларини фарқлаб қўйишга даъват этган XIX партия конференциясини эсланг. Аслида нима бўлди? Биз, партия ходимлари ҳеч қандай ишга аралашмадик. Шунда ҳамма иш йўққа чиқа бошлади. Энди ҳали у етишмайди, ҳали бу етишмайди... Бугунги кунда меҳнат унумдорлиги иш ҳақининг ўсишидан орқада қолмоқда. Бу кимга боғлиқ. Сиз билан бизга —биз ёмон ишлай бошладик.

Мухбир. Агар партия идоралари саноатга илгаригидек, раҳбарлик қилганида яхшироқ бўларди, деб ҳисоблайсизми?

Г. Григорян. Раҳбарлик қилиш эмас, биргаликда ишлаш керак. Олдимизда турган вазифаларни бажаришимиз зарур. Биз Енгил саноат министрлиги ҳузурида бўлдик ва эртанги кунимиздан, йил охирида рўй берадиган аҳволимиздан даҳшатга тушдик. Ишлаётган кишиларнинг 83 фоизини хотин-қизлар ташкил этадиган енгил саноатда мамлакат бўйича 600 минг киши ишсиз қолиши мумкин. Мен, партком котиби шу ишлардан четда қолишим, хўжалик ходимлари билан бирга ишламаслигим, ёрдам бермаслигим, жумҳуриятларга бормаслигим, хом ашё бўлиши учун, хотин-қизларни, яъни жамиятга фойда келтиришни, ишлашни хоҳлаётган аёлларимизни ишлаб чиқаришдан четлатиб қўймаслик учун шартномалар тузмаслигим мумкинми, ахир? Қимматбаҳо ускуналар бекор турибди, бизнинг юқори малакали ишчиларимиз ишсиз қолишади. Хўш, партия бундан четда туриши керакми? Йўқ, бундай бўлмаслиги лозим.

Мухбир. Шартномалар тузиш учун жумҳурият бўйлаб кезиш эҳтимол, партия ишининг моҳияти эмасдир?

Г. Григорян. Нима учун йўқ? Бунда ҳам ёрдам беришимиз керак.

Мухбир. Буни эҳтимол, мутахассислар яхшироқ бажаришар?

Г. Григорян. Ушбу ишлаб чиқаришда биз ўзимиз мутахассисларимиз. Мен 23 йил ишладим ва ҳар қандай масалани ҳал қилишим мумкин. Шу боисдан ҳозир партиянинг обрўси, мавқеи ва ўрни ҳақида гапираётганимизда ҳар биримиз ўз иш ўрнимизда барча муаммоларни ҳал этишимиз керак. Акс ҳолда сен партком котибимисан, ҳамма ишни қилавер, қабилида йўл тутилади, оддий коммунистлар эса сояда қолиб кетади. Бугун эса партия съездидан сўнг ишчилар ўзларини бошқача ҳис этаётганлиги сезилмоқда. Бу яхши, албатта. Съездда эса бошланғич партия ташкилотларининг 530 котиби қатнашди.

А. Глубокий. Тушунсангизчи, бошланғич ташкилотлар котиблари ҳақида ҳеч ким гапирмаяпти. Агар улар кўпроқ бўлганида, янада яхшироқ бўларди. Улар партиямизнинг бугунги кундаги ўзагидир. Ҳозир бошланғич ташкилот, биз гапиришга ўрганиб қолганимиздек, партиялилар оммасини юқори ташкилотлар билан боғлайдиган бирдан-бир бўғин ҳисобланади. Бинобарин, «партиялилар оммаси» деганда қандайдир сусткашлик назарда тутилади, съездда эса партиялилар оммаси деган сўзлар тез-тез эшитилиб турди... Очиғини айтсам, мен бу ифодага бутунлай қаршиман. Чунки булар «омма» эмас, балки коммунистлар, ҳозирги кунда ҳам фикрлашга, ҳам мустақил ишлашга интилаётган кишилардир. Мен съездда бошланғич партия ташкилотларининг котиблари кам бўлди, аммо район, шаҳар, вилоят комитетлари, Марказий Комитетларнинг ходимлари ниҳоятда кўп бўлди, деб ҳисоблайман.

Ў. Зокиров. Бу ерда масалани бирмунча бошқачароқ қўйиш керак, назаримда, гапнинг моҳияти кимнинг кўплигида эмас. Михаил Сергеевич Горбачевнинг ўзи аппарат ходими, лекин унинг машҳурлиги, обрўсини бошқа бирор киши билан таққослаш мумкинми? Съезд ҳайъатига ҳам, раҳбариятга ҳам, ишчилар орасидан кўрсатилган номзодларга ҳам назар солган бўлсакда, бошқа бундай раҳбарни кўрмадик. Айтайлик, Россия Компартиясининг янги биринчи котиби қарама-қарши фикрларга сабаб бўлган одам, буни делегатларнинг ҳам, матбуотнинг ҳам берган баҳоларидан билиб олиш мумкин. Коммунистлар уни яхши билишмас эди, у ишда ўзини кўрсатмаганди, сиёсий майдонда эндигина пайдо бўлди. Ивашко, Гуренко ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Бакатинда ҳам ўйлаб иш юритадиган партия раҳбарини кўрдилар. Лекин уларнинг барчаси ҳали ўзини кўрсатиши керак.

А. Глубокий. 18 миллиондан ортиқ аъзоси бўлган партия қанчалик муносиб бўлмасин бир кишига «тикилиб» қолганлигига нима дейсиз?

Ў. Зокиров. Съездда бўлган мунозарани эслайсизми — делегатлар бизда — партияда ҳозир нима сабабдан раҳбарлар йўқлиги, ўсиш билан нима сабабдан шуғулланмаётганимиз, истеъдодли кишиларни қидирмаётганимиз хусусида гапиришди. Менимча, тез орада, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, ёш, ғайратли партия раҳбарлари пайдо бўлади.

А. Глубокий. Буни мутлақо бир хил тушуниш керак эмас. Мен, масалан, бунга унчалик ишончим йўқ. Чунки табиатан мен кўп нарсаларга ишончсизлик билан қарайман, биз «янги» раҳбарларни узоқ вақтдан бери кутяпмиз.

Мени съездда энг аввало партия раҳбариятининг ҳисобот давридаги фаолиятига аниқ-равшан баҳо берилганлиги тўлқинлантирди. Сиёсий маърузага катта умид боғлаган эдим, бироқ унда Сиёсий бюро ишига баҳо берилмади. Биз партиядаги мавжуд муаммоларни тўлалигича кўра олмаяпмиз — биз бошланғич ташкилотларнинг муаммоларини ва мамлакатнинг умумий муаммоларинигина биламиз. Барча камчиликлар очиб ташланиб, уларга тегишли баҳо берилишини истардик. Ҳисобот эса қуруқ гапдан иборат бўлиб қолди. Ҳисоботда ҳам, ишлаб чиқилган ҳужжатларда ҳам аниқ истиқболни кўрмадим.

Мухбир. Ҳатто дастурий баёнотда ҳамми?

А. Глубокий. Ҳа, гарчи дастурий баёнотда айрим баҳолар ва аниқлик бўлсада, ҳар ҳолда, менинг назаримда, партия эскича усулларда ишни давом эттирмоқда. Эҳтимол, эскилик муайян қонунлари ўз таъсирини кўрсатаётгандир. Бироқ иш усуллари эскичалигича қолди. Ҳатто съездга делегат сайлаш ҳам кўпинча одамлар район, вилоят, шаҳар комитетларининг қарори билан сайланганлигини яна бир бор кўрсатди. Бу эса, айтишларича, якдилликни намоён этган Ўзбекистон делегациясига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўз зиммамга юкланган вазифаларни бажармадим, деб ҳисоблайман. Чунки, мен ушбу съездда ўз фикримни айтиш, съезд қарорларини ишлаб чиқишда ҳар томонлама қатнашиш имкониятига эга бўлмадим.

Д. Мусабекова. Наҳотки, бунинг учун сизга кимдир ҳалақит берган бўлса?

А. Глубокий. 2—3 минут ичида микрофон олдида нима ҳам айтиш мумкин? Бугунги кунда эса одамларни тактикагина эмас, шу билан бирга стратегия ҳам ташвишлантирмоқда. Менимча, съезд ишининг шаклини тубдан ўзгартириш керак. Ҳаётий муҳим масалалар ҳал этилаётган пайтда ҳисоботга ҳам, истиқболга ҳам пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бундай тайёргарлик қуйидан пишиқтирилиши даркор. Биз тайёрлаган ва муҳокама қилган дастурий ҳужжатлар, КПСС ҳаракат дастури, менимча, эртанги кунда туб ўзгаришларга олиб келмайди.

Г. Григорян. Аммо буларнинг ҳаммаси — ҳаракат дастури ҳам, партия Устави ҳам қуйидан, бошланғич ташкилотлардан чиқди-ку...

А. Глубокий. Мен съездан қайтганимда, ўзимга одамларга нималар ҳақида гапираман, деган биринчи саволни бердим. Етмиш йил мобайнида бизда декларациялар етарли бўлди, шунча кўп шиорлар ўйлаб топдикки, менимча, жаҳоннинг бирорта мамлакатида бундай эмас. Яхшиланишни эса кўрмаяпмиз. Яна ўтмишдаги шиорларни эълон қилишим керакмиди?

Мухбир. Сиз съезд ўрнига бошқача иш шакли зарур, деяпсиз. Сизнингча, бу қандай шаклда бўлиши лозим?

А. Глубокий. Энг аввало референдумлар ўтказиш керак. Оддий коммунист олдида турган муаммо шундан иборатки, у умуман партия фаолиятида ўз иштирокини ҳис этмаяпти. Тўғри, мен ҳамма нарсани муҳокама қилишим, ўзимнинг ҳақлигимни исботлашим мумкин, лекин менинг фикрим қандайдир ҳаётий муҳим ҳужжатларни тузишда, партиянинг стратегик ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинишига ишончим йўқ. Демократик централизм системасида ҳар қандай хабар қуйидан юқорига, босқичмабосқич юборилиб, айни пайтда у ҳар бир босқичда ишлаб чиқилади, пировардида эса бирорта ҳам қарор ҳеч қачон асл ҳолида етиб бормайди.

Г. Григорян. Нима учун сиз ўз таклифларингизни, сайловчиларнинг топшириқларини съездда рўёбга чиқармадингиз?

А. Глубокий. Ушбу съездда, умуман, радикалларга қандай муносабатда бўлганига эътибор бердингизми? Уларга умуман сўз беришмади.

Г. Григорян. Сиз ўзингизни радикал, деб ҳисоблайсизми?

А. Глубокий. Ҳа, мен партия ходимиман ва ўзим яшаб турган муҳитдаги сингари фикрлайман. Жойларда — бошланғич ташкилотларда съезддан кейин унчалик умидворлик кайфиятини сезмаяпман. Чунки одамлар аниқ мақсадга эга бўлмасалар, уларда, менимча, жуда ноҳуш туйғу — қандайдир мужмаллик пайдо бўлади.

Мухбир. Сизнингча, нима ана шундай аниқ мақсад бўлиши мумкин?

А. Глубокий. Биз энг аввало партия раҳбарияти фаолиятига аниқ баҳо беришимиз керак эди. Тўғри, биз учун ошкоралик таъминланди, ўз фикримизни айтиш, баҳслашиш имконияти берилди, бироқ бу ҳеч нарсани ўзгартирмади. Тўғри, ҳозир бутун мамлакатимиз минбарга айланган. Лекин натижаси-чи? Ҳозирча сўз билан иш бирлиги бўлмаяпти. Шунинг учун халқ орасида партиянинг обрўйи ошмаяпти. Съездда КПСС-даги радикал оқимлар вакилларининг фикри ҳисобга олинмаганлиги учун ҳам шундай, деб ўйлайман. Бугунги кунда партиядаги ана шу барча оқимларни сақлаб қолишнинг иложи йўқ, деб ҳисоблайман. Раҳбарият бизнинг томонимиздагилар партияда қолиши, буни истамайдиганлар эса партиядан чиқиши лозим, деган тарзда масалани ўртага қўйганлигини маъқуллайман. Демократик платформа ҳам, ўнг оқимлар ҳам ўз позицияларини ишлаб чиқмоқдалар. Ҳозирги пайтда анчагина коммунистлар партия сафидан чиқадилар, деб ўйлайман. Улар аслида ўта консерваторлар ёки радикаллар бўлганлари учун эмас, балки ўз иродасини амалга ошириш йўлларини кўрмаётганликлари учун шундай қиладилар.

Партияни янгилаш секциясининг мажлисида айтилган бир фикр ёдимга тушди: «биз бу ерда гапираётган барча нарсалар шу ерда қолади. Чунки ушбу қарорларни бажариш воситаларига эга эмасмиз ва улар бажарилишига ҳам кафолат йўқ».

Мухбир. Яхши, бошланғич ташкилотларнинг мавқеини оширсакчи... Наҳотки, бу ҳам Кремль деворлари ичида қолиб кетаверса?

А. Глубокий. Бошланғич ташкилотларнинг мавқеини ошириш — бугунги кунда мен учун муаммодир. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов мажлислари пайтини эслайман. «Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилоти деганда нимани тушунамиз? Эртага бу ташкилот қандай бўлади?» деган саволлар ишчилар жамоаларида муҳокама қилинган энг ўткир масалалар бўлганди. Масалан, аввалари мен бошланғич партия ташкилоти деганда партия раҳбариятини, жуда катта партия-давлат аппаратини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши лозим бўлган одамлар гуруҳини тушунардим.

Мухбир. Партияни эмас, айни партия раҳбариятини қўллаб-қувватлайдиган одамларними?

А. Глубокий. Ҳа, худди шундай. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган аппарат ниҳоятда кенгайтириб юборилган. Мен кўпинча бориб турадиган район партия комитетида мутлақо бефойда қоғозлар уюми ичида ўтиришади.

Г. Григорян. Ахир биз бундан аллақачон ҳоли бўлганмиз, XIX партия конференциясидан кейин бундай қоғозбозликка чек қўйилган.

Ў. Зокиров. Ўртоқлар, партия Уставининг 26-параграфи хусусидаги мунозарани эслаб кўринг. Юқори партия ташкилотларининг бошланғич ташкилотларга тааллуқли қарорлари агар бошланғич ташкилот уларни қабул қилсагина бажарилади, деб кўп гапирилди. Қандайлигини тушунаяпсизми? Бир қараганда оддий сўзлардек туюлади, лекин уларнинг замирида жуда катта маъно бор!

А. Глубокий. Оддий киши сифатидаги менинг фикримча, мен ўзимни профессионал партия ходими деб ҳисобламайман — қандайдир олдиндан тахмин қиладиган, сўраб-суриштирадиган система бўлиш керакки, унда имкони борича, кўпроқ кишиларнинг фаолияти ва фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинсин. Чунки партия раҳбариятининг қўлида жуда катта интеллектуал имконият ҳам, пул ҳам бор. Ана шундай ниҳоятда катта маблағга эга бўлиб, мукаммалроқ воситаларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ў. Зокиров. Салгина орқага қайтмоқчиман. Сиёсий маърузани тинглаганимиздан сўнг биз унда вужудга келган муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилмаганлигидан хафсаламиз пир бўлди. Мен гап нимада, нима учун шундай бўлди, съездга яхши тайёргарлик кўрилмаганими, деб ҳайрон бўлдим. Кейин эса ўзимча бунинг жавобини топдим. Съезд иши давомида кетма-кет янги уфқлар очила борди.

Мухбир. Бу нима деганингиз?

Ў. Зокиров. Биз Марказий Комитетдан ҳамиша тайёр ечимларни, бел ярлик, ўн йил ёки ўн беш йил учун аниқ-равшан истиқболларни, яъни жамият қаерга бориши керак каби қатор ечимларни кутардик. Мазкур съезд эса тараққиёт йўллари ҳақида ўзимиз фикр юритиб, уни ўзимиз белгилашимиз учун имконият берди. Съезднинг учинчи куни мен партия қаёққа бориши кераклиги хусусида тезисларда йўл-йўриқ берилган ҳисобот докладига бошқача баҳо бера бошладим. Мен дастурий ҳужжатларни жамоа бўлиб биргаликда ишлаб чиқишимизни тушундим. Бу эса юқори идоралар раҳбарларининг, Сиёсий бюро билан бирга Марказий Комитет ишининг самараси эмас, балки кўп минг кишилик жамоанинг меҳнатидир. Эслаб кўринг, Устав беш марта таҳрир этилганидан кейингина қабул қилинди!

Д. Мусабекова. Шундан кейин ҳам анчагина тузатишлар киритилди.

Ў. Зокиров. Дастурий баёнотчи?! Лукьянов энди ҳар бир ҳарфни, ҳар бир тиниш белгисини тузатамиз шекилли, деб умидсизликка тушгандек кўринарди. Бу эса коммунистлар ҳар бир ҳарфни синчиклаб пухта ўрганганлигидан далолат беради. Съезд охирида мен шундай хулосага келдим: ҳақиқатан ҳам Марказий Комитет ва Сиёсий бюро, Бош котиб анжуманни чуқур мулоҳаза юритувчи идрокли кишилар съездига айлантирдилар. Тўғри, маданиятсизлик ҳоллари ҳам, ўзганинг фикрини тоқат билан эшитмаслик ҳам бўлди, чунки биз ўз кулфатларимизни айтиб олиш, дардимизни ёзишни истардик, шунинг учун ҳам бирбиримизга гап бергимиз келмасди. Бир мунча вақтдан кейин биз буларнинг ҳаммасини қайтадан кўриб чиқамиз. Делегациямизнинг айрим таклифлари партия Уставида ҳисобга олинди. Бизнинг район, шаҳар конференцияларимизда муҳокама қилингани тузатишлар ва қўшимчалар ҳам партия ҳужжатларига киритилди. Мен бу масалада ўртоқ Глубокийнинг фикрига қўшилолмайман.

Мухбир. Съезддаги мунозаралар ҳақида яна нималар ёдингизда қолди?

Ў. Зокиров. Турли ҳаракат дастурлари ҳақида қизиқарли масала ўртага қўйилди. Менимча, бундай ҳаракат дастурлари замирида ҳеч нарса йўқ.

Мухбир. Нима бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

Ў. Зокиров. Ҳозирча улар митингбозликдан, чақириқлардан воз кечишолмаяпти. Тўғри, улар орасида самарали ташкилотлар ҳам бор. Чунончи, марксча ҳаракат дастури бизга яқин. Демократик ҳаракат дастури ўртага қўйган бешта масала ҳам съезднинг дастурий ҳужжатларида ҳисобга олинди ва ўз ифодасини топди. Яъни бизда ҳаракат дастурлари, позициялар яқинлашди, муайян жипслашиш рўй берди. Бу катта иш. Партияни парчалаб ташлаш, уни бўлакларга бўлиб юборишдан бошланган иш сўнггида биз позицияларни яқинлаштиришга муваффақ бўлдик — назаримда бу съезднинг катта муваффақиятидир.

Тўғри, ушбу ҳисоботда даврa суҳбати қатнашчилари ўртага қўйган барча муаммолар ўз ифодасини топмади. Уларнинг ҳаммаси ҳақида гапириб бериш учун газета саҳифаси етмайди. Лекин суҳбатнинг асосий моҳиятини тасаввур этиш мумкин: яъни делегатлар съезддан унинг руҳини олиб келишди. Бу ерда ҳам худди съездагидек ғоят ўткир, хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдирилди, бўлиб ўтган воқеаларни шунчаки тушунишга эмас, балки партия анжуманн қарорларини амалга оширишга бугунги кунданоқ киришишга уринниш намоён бўлди.

Съезд делегатларн унн ҳар хил баҳоладилар. Бу тушунарли албатта —умуман мамлакатимиз халқларининг фикрлари ҳам худди шундай хилма-хилдир. Лекин бир нарсага қўшилмай бўлмайди: бу чуқур мулоҳаза юритувчи синчков кишиларнинг катта йиғини бўлди. Улар қабул қилган қарорлар биз коммунистлармизми, ёки партиясизларми, бундан қатъий назар, ҳар биримиз учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Шундай бўлиши ҳам керак: чунки биз ниҳоят системамиз, мамлакатимиз устунлигидан шу мамлакат кишиларининг, фуқароларнинг устунлигига ўтяпмиз.

Делегатларнинг баъзн мулоҳазаларига қўшилиш қийин. Яъни масалан, съездлар керак эмас деган даъволарга қўшилиб бўлмайди. Бу анжуман партиянинг олий органи, унн ҳеч қандай референдумлар билан алмаштириб бўлмайди.

Айрим кишиларнинг съездан кейин ҳам дўконларда на озиқ-овқат маҳсулотлари, на саноат моллари кўпайди деган фикрлари эшитилмоқда. Лекин ҳаётда мўъжизалар бўлмайди: моллар етказиб берилмагунча пештахталар тўлмайди. Уларни эса бошқа биров эмас, фақат ўзимиз етказиб бера оламиз. Ҳар қанча зорланмайлик, айбдорларни ҳар қанча қидирмайлик, агар яхши ишламасак — ҳеч нарсага эриша олмаймиз ва ҳеч нарсага етишолмаймиз.

Хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Лекин унн тушунишнинг ўзн етарли эмас, ундан ҳозирдаёқ амалда фойдаланиш муҳимдир.

Фарғона вилоятидаги «Ирстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Қанчиғай темир-бетон буюмлар заводи жамоаси сув хўжалиги қурилишларига тобора кўпроқ қувурлар ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари кўпгина иқтисодий қийинчиликларни омилкорлик билан енгмоқдалар. Жамоатчи мухбиримиз Л. Ким олган суратларда заводнинг ишлаб чиқариш пешқадамларидан Холматхон Хайитов, Қаҳрамон Деҳқонов, 2-цех бошлиғи Муроджон Масоитов тайёр маҳсулотни кўздан кечиришаётган пайт ҳамда қуюв цехи ходими Солмон Баҳриддинов тасвирланган.





ТИНЧ ОКЕАНДАГИ ТЎҚНАШУВ

РИГА, 23 июль. (ЛеТА—ТАСС мухбири Д. Гефтер). Тинч океанда мустақил сузиб юрадиган «Балахна» совет балиқ овловчи катта кемаси Панаманинг «Эрика Якоб» танкери билан тўқнашиб кетди, Гарбий ҳавза балиқ саноати уюшмасига ана шундай радиограмма келди.

Лиепай портига қарашли бўлган балиқ овловчи кема Тинч океаннинг жанубий-шарқий қисмида Чили соҳиллари рўпарасида халқаро сувда балиқ овлаётган эди. Кемаларни ёқилғи билан таъминлаш учун совет балиқчилари ижарага олган Панама танкери шу жойга келди. Кемалар бир-бирига яқинлашаётган пайтда тўқнашув юз берди. Танкерда 5,5 квадрат метрлик тешик ҳосил бўлди. Балиқ овлаш кемасининг олд қисмига бироз шикаст етди. Қурбонлар йўқ, нефть маҳсулотлар оқиб кетмаган. Авария сабаблари текширилмоқда.

Атроф муҳити

ФАРҒОНА ҚЎЛЛАРИ ВА ЧЎЛЛАРИ

Бир неча йил муқаддам Марказий Фарғонанинг Ёзёвон барханлари бағрида пайдо бўлган Толқудуққум кўлларининг атрофини қумликлар ўраб олган. Уларни маҳаллий халқ «Сассиққўл» деб атайди. Бунинг боиси бор. Кейинги йилларда Фарғона ва Марғилон атрофида кўплаб кимёвий иншоотлар қурилиб, улардан чиқувчи оқоваларнинг кўлга қуйилишидан сунъий ҳавзалар пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда кўллар сатҳи 2,5 минг гектар. Атрофдаги қумликларда баликдан ташқари сув ва қуруқликда яшовчи кўплаб қушлар — оқ лайлак, ғоз, ўрдаклар, қашқалдоқ, ғуррак, чўл чумчуғи, жувалдоқ, йўргатўлак, кўккўтон ва капталар учрайди. Улар 30 мингдан ортиқ. Кўпчилигининг номлари одамлар хотирасидан аллақачон ўчиб кетган ёки «Қизил китобга киритилган. Афсуски, атрофдаги барханларнинг ўзлаштирилиши туфайли кўллар йилдан-йилга қурияпти. Ҳозир уларнинг учтаси қамишзор ва қумлоққа айланди. Қуриган кўлларни кузатиб, шундай манзарага дуч келдик. Оқ ва кўккўтонлар галаси барханлар орасидаги сийрак қамиш билан қопланган текислик устида гир айланарди. Бунинг сабабини ҳамроҳимиз Низом Муллажоновдан сўрадик. У қўтонлардан кўзини узмай: «Шу ерда ўтган йили кўл бор эди. Зовурлар қазилгач, унинг сувлари қуриди. Қўтонлар ўша кўлни излашяпти шекилли», — деди.

СССР ва Ҳиндистон ўртасида Толқудуққум кўлларини муҳофаза қилиш юзасидан шартнома тузилган эди. Бунга сабаб шуки, Урал тоғларининг ўнг томонидаги районларда яшовчи қушлар галаси ҳар йили кузда қишлаш учун Ҳиндистонга йўл олади. Шу йўналишдан ўтувчи юз минглаб қуш Толқудуққум кўлларига қўниб, «нафас ростлайди», яъни овқатланади. Баҳорда Ҳиндистондан қайтаётган қушларнинг айримлари бола очиб, шу ерда қолиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўша ҳужжатда баён этилган эди. Шундай экан, Толқудуққум кўллари қуримаслиги керак. Агар қуриса ёки муҳофаза қилинмаса, миллионлаб қушлар ва ҳайвонлар қирилиб кетади.

Афсуски, ҳозирги кунда Толқудуққум кўлларини муҳофаза қилиш қониқарсиз аҳволди. Охунбобоев ва Ёзёвон районларининг шу атрофда жойлашган хўжаликлари раҳбарлари табиатнинг бу ноёб туҳфасига нотўғри муносабатда бўлмоқдалар. Бир неча йилдан буён чорва моллар қушлар ва ҳайвонлар яшаб, ин қурадиган қамишзорларда боқилмоқда. Айниқса «Янгиобод» совхози ва «Москва» колхози бу борада бой «тажриба» тўплаган. Хўжалик раҳбарлари планни ўйлаяптилар, холос.

Кўлнинг шарқий ва шимолий қирғоқларидаги 13 гектар барханлар Охунбобоев районига қарашли «Москва» колхози томонидан қонунсиз равишда ўзлаштирилиб, экин майдонларига айлантирилди. Ўтган йили ана шу ерларнинг 8 гектарига пахта, 5 гектарига жўхори экилди. Ҳар гектар майдондан атиги 8 центнердан пахта олинди.

— Тан оламан: бу ерлар колхозники эмас, — дейди 16-бригада бошлиғи Шароф ака Узоқов. — Бир неча йилдан буён бу ерларга пахта ва озуқабоп экинлар экамиз. Лекин қумлар бағридаги 10 гектар ҳайдалган ер, 2 гектарга яқин боғ колхоз харитасида кўрсатилган, холос.

Охунбобоев районидаги Киров номли колхозга Толқудуққум кўлларидан бирининг сувини қуритиб, ўрнига жавдари экишга ким рухсат берди экан? Хўжасизлик оқибатида бу ерлар ўзлаштирилиб, полиз ва озуқабоп экинлар экилаётгани экологик саводсизлик-ку, ахир?!

Толқудуққум атрофидаги Ёзёвон барханлари 8 минг гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган. Бу Марказий Фарғонадаги сўнгги қумлоқлардир. Ҳа, ҳа, энг сўнгги барханлар. Бу ерда ёввойи мушук, чиябўри, тулки, қуён, эчкизмар, калтакесакнинг 30 дан ортиқ тури яшайди. Дунёнинг ҳеч қаерида учрамайдиган Фарғона қум калтакесаги бу ернинг ноёб бойлиги саналади. Штраух қурбақабоши ҳам камёб жониворлардан. Бундан ташқари Ёзёвонда ноёб ўсимликлар ҳам ўсади. Табиатга беписанд муносабатда бўлиш туфайли уларнинг номи «Қизил китоб»дан аллақачон ўрин олган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети янги ерларни ўзлаштирмаслик, сув манбаларидан тежаб-терғаб фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилганига қарамасдан Ёзёвон барханларига ҳужум давом этмоқда. Қамишлар ўрилиб, ҳайвонлар қирилмоқда.

— Бу ишларга ҳеч қандай алоқадор эмасмиз, — дейди «Целинник» совхози директори Баҳодир Асқаров. — Бу ишни Тошкентдаги «Гўшт» бирлашмаси (шунга бўйсунамиз) бошқармоқда. Айни шу ташкилот буюртмачи сифатида янги ерларни очиб, фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтиргандагина бизга беради. Бу йил 100 гектарга яқин, кейинги уч йил мобайнида 300 гектар янги ерни қабул қилиб олдик. 1991 йил охирига бориб бу рақам 700 гектарни ташкил этади. Гапнинг очиғини айтганда, бу ишлар 1982 йилда тузилган лойиҳа асосида олиб борилмоқда.

Тўғри, турғунлик йилларида чўлқуварларни роса мақтардилар. Улар чўл арслонларига қиёс қилинib, қўша-қўша орденлар берилди. Ҳозир ана шу ишлар касрига қолдик. Маънавий сўкир раҳбарларнинг янги ерларни ўзлаштириб, обрў олиш учун курашиши туфайли Орол қуриди, ахир! Буни ҳозир ҳам тушуниб етмаяптилар. Бу турғунлик йилларининг оқоваларими?

— Оддий ижрочимиз, — дейди механизациялашган 1-кўчма колонна тракторчиси Аҳаджон Қурбонов. — Буюрилган ишни қиламиз. Табиатга раҳмимиз келади, начора. Барханларни текислаётганимизда эчкизмарлар, калтакесаклар, бўрсиқлар нобуд бўлаяпти. Айниқса бўрсиқларга ачинасан киши. Уларни сил касалига даво дейишади.

Аҳаджоннинг гапини эшитар эканмиз, кўҳна бир ривоят ёдга тушди. Шайх Шаблий деган фозил киши шаҳарга тушиб, дўкондан дон сотиб олибди-да, уни идишга солиб, орқалаб қишлоғига қайтибди. Уйига келиб идишни очса, ичида бир чумоли у ёқдан-бу ёққа юрганмиш.

Шайх Шаблий чумолига раҳми қилиб, кечаси билан ухламабди. Эртасигаёқ чумолини олиб, шаҳарга тушибди. Буғдой сотган одамнинг дўкони ёнига келиб, ҳалиги чумолини қўйиб юборибди. Шерикларига қўшилиб инига кириб кетаётган жониворни кўриб:

— Бечора чумолини ниндан жудо қилиб, ҳалок этишмиш мурувватдан эмасди. Уни маконига қўйиб юборинг, кўнглим тинчиди, шодликка тўлди, — деб севинган экан.

Шайх Шаблий минг бор қувонса ҳақли. Биз-чи? Жониворларни нобуд қилаётганимиздан, табиатнинг гўзал қиёфасини бузаётганимиздан қувонамизми? Бунга ҳаққимиз борми?

Обдон ўйлаб кўрайлик: янги ерларда маҳсулот етиштириш, шўрни ювиш учун қанча сув кетишини биламизми? Бир тонна пахта етиштириш учун 10 минг куб метр, 1 тонна буғдой учун 1,5 минг куб метр сув сарф бўлади. Янги ўзлаштирилган ерларда бундан 4,5 марта кўп! Бу кўра-била турибди, ҳалок бўлаётган Орол ризқини қийишдир.

Ерлар очилиб, текислаб қўйилгандан кейин вилоят ижроия комитети қарори билан ўтган йили Охунбобоев районидаги Фрунзе номли ва Киров номли колхозларга барханлар бағрида 900 гектарга яқин янги ерни ўзлаштиришга расмий равишда рухсат берилди. Яхшиямки, вилоят ижроия комитетининг бу қарори бекор қилинди. Аммо бошқа бир қарорида Тошлоқ районига ўзлаштириш учун 1056 гектар ер ажратди. Буни қандай тушуниш керак?

Шу кунларда Толқудуққум атрофидаги қумликларда янги ерлар очиш жадал олиб борилмоқда. Агар иш шу зайлда давом этса, кўл ўтмай Марказий Фарғонадаги Ёзёвон барханларидан бир кафт ҳам қолмайди.

Қисқаси, Ёзёвондаги қум барханларини ўзлаштириш тўхтатилиб, қолган зонада қўриқхона ташкил этиш керак. Барханларни ўзлаштирмасдан, тўқайлар ва қушларсиз ҳам яхшироқ яшаймиз, деб ўйлашар. Уларга «Йўқ!» деб жавоб берамиз. Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилганларидаёқ ўз масканларини билиб олишади, қушлар, балиқлар, ҳатто боларилар уясини ҳимоя қилишади. Одамлар ҳам туғилиб камол топган ерларига чексиз меҳр қўядилар-ку, ахир. Чўллар, барханлар, табиат биздан нажот кутмоқда, одамлар!

И. РАШИДОВ,
табиатни муҳофаза қилиш Фарғона вилоят комитетининг ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини муҳофаза қилиш назорати бошлиғи.

Б. ШОКИРОВ,
«Коммуна» газетаси ходими.



Жумҳурият китоб савдоси бирлашмасининг Наманган вилояти бўлими янги-янги иш усулларини изламоқда.

Шаҳардаги «Қурғиз мулла» мадрасасида дўкон очилди. Бу ердан араб, форс, турк ва эски ўзбек алифбосида чоп этилган қадимий қўлёзма ҳамда тошбосмаларни харид қилиш мумкин. Шунингдек, ихлосмандларга китобларни айирбошлаш имконияти ҳам яратилган.

«Китоблар уйи» махсус дўконидаги бешта бўлимга яна битта — СССР халқлари адабиёти бўлими қўшилди.

«Ўқитувчи» нашриётининг таянчи ҳисобланган «Муаллим» дўкони — бу касб эгаларининг севимли маскани. Савдо ходимлари олий ўқув юрти, техникум ва мактабдалар буюртмалар қабул қилишади.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎзТАГ).

АДАБИЙ БАЙРАМ

Қарши шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг бўлажак 550 йиллигига бағишланган адабий байрам ўтказилди. Шонр туғилган кун келаси йил нишонланади, лекин ҳозирдаёқ жумҳуриятимизда кўпдан-кўп адабий кечалар ва навоийхонликлар бўлмоқда, шонли санани байрам қилишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Қаршидаги марказий болалар боғида «Маҳаллот» маҳалласининг ҳаваскор артистлари концерт беришди. Улар қадимий маросим қўшиқлари ва рақсларидан тузилган концерт программасини томошабинлар эътиборига ҳавола этишди. Унутилиб кетган бу қўшиқ ва рақсларнинг кўпи яна халқимизга қайтарилди. Байрамда классик мусиқа ва эстрада оҳанглари янгради, ҳаваскорлик театр жамоаларининг актёрлари эса Ойбекнинг «Навоий» романи асосида яратилган саҳна асаридан парчалар кўрсатишди.

Қашқадарё вилоятида ўзбек адабиёти даҳосининг таваллуд байрамига бағишланган жуда катта режалар тузилган. Барча шаҳар ва районларда адабий кечалар ўтказилади. Халқ депутатлари шаҳар Советининг қарорига биноан Қаршида мутафаккир шоирга ҳайкал ўрнатишга қарор қилинди.

Қишлоқ спортчилари ҳаётидан

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

«Сирдарё» совхозидаги спорт ихлосмандларига Қаҳҳор Тинчликов етакчилик қила бошлагандан сўнг айрим ўзгариш бўлди. Унинг куйдипишдилиги, ёшлар қалбига йўл топа билиши туфайли мусобақалар, учрашувлар, спартакиадалар ўтказиш йўлга қўйилди.

Қуйи жисмоний тарбия жамоалари дастлаб йириклаштирилган терма командалар туздилар. «Гигант» командасига совхознинг 1, 2, 3-бўлимлари бирлашди. «Ҳақиқат» командасига 4, 6-бўлимлар, ремонт устахонаси, идора ходимлари аъзо бўлиб кирдилар. 5-бўлим спортчилари эса алоҳида команда туздилар. «Ферма» командасига сут-товар фермаси ходимлари, ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзолари таклиф этилдилар.

Волейбол мусобақаларида «Ферма» командаси ғолиб чиқди. Улар ҳал қилувчи баҳсда «Гигант» устидан ғалаба қозондилар. Шахмат мусобақаларида шахсий ҳисобда 5-бўлим механизатори Бектемир Рисбековга тенг келадиган рақиб топилмади. 4-бўлим тракторчиси Олим Тўраев иккинчи ўрин билан кифояланди. Шашка мусобақалари финал қисмида совхоз электриги Дамир Тинчликов ва хизматчи Деҳқон Ярашов ўзаро баҳслашишди. Д. Тинчликов мусобақада ғолиб чиқди.

Тош кўтариш баҳслари ҳам стадионга тўпланганларда яхши таассурот қолдирди. Хизматчи Акбар Тўлаков, ишчи Абдулла Тўраев, ферма ходими Жумабой Мавлонов ўз вазнлари бўйича тош кўтариш мусобақаси ғолиблари бўлдилар.

Спартакиада тугагандан сўнг спорт инструктори Қаҳҳор Тинчликов билан суҳбатлашдик. Спорт инструктори ўз афсус-надоматини очиқ айтди.

— Спартакиада якунланди, мусобақалар қизиқарли ўтди, — деди у. — Бизни бошқа масала тўлқинлантираяпти. У ҳам бўлса совхозимиз раҳбарларининг эътиборсизлиги, бепарволиги, лоқайдлиги. Ишчилар спартакиадасида уларнинг бевосита иштирок этмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Касаба уюшмаси комитети раиси Умбет Дилдабеков спартакиадага масъул этиб тайинланганди. Афсуски, у учрашувларга келмади. Спорт жонкуярлари, меҳнаткашларнинг жисмоний тарбияга қизиқишлари, бўш вақтларини мароқли ўтказишга интилишлари туфайлигина спартакиада яхши ўтди. Акс ҳолда...

Спорт инструктори билан узоқ суҳбатлашдик. Қ. Тинчликов совхоз раҳбарлари спартакиада ғолибларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни ўйлаб ҳам кўрмаганликлари, бу мақсадлар учун маблағ ажратмаганликларини, уларни ўз ҳисобидан тақдирланганлигини айтди. Ҳақли савол туғилади: касаба уюшмаси комитетида унча-мунча совға-салом учун наҳотки маблағ топилмаса?

Совхозда жисмоний тарбия ва спорт ишлари даражасини кўтариш учун айрим муаммоларни ҳал этиш керак. Аввало моддий базани яхшилаш лозим. Ҳалигача бўлимларда дурустроқ майдонча, бирорта стадион ёки спорт комплекси йўқлиги ачинарлидир.

Хўжалик спортчилари район ва вилоят мусобақаларида қатнашишга безиллаб қолишган. Сабаби — совхоз раҳбарлари уларга тегишли транспорт воситаларини ажратмайдилар, спорт мутахассисларига сафар харажатлари вақтида тўланмайди.

Хўжалик марказидаги маданият саройида классик кураш тўгараги очилганида ёшларнинг қувончи бир олам эди. Афсуски, бу узоққа чўзилмади. Совхоз раҳбарлари лавозимларни қисқартириш баҳонасида машғулотларни тўхтатиб қўйдилар. 20 йигит шуғулланиш имкониятларидан маҳрум бўлди. Ҳамма кўнгилсиз воқеалар, жиноят илдизлари бекорчиликка, ёшларнинг назоратсиз қолишига бориб тақалади. Мазкур совхозда яқинда жиноят содир бўлди. Бир гуруҳ ёшлар қонунни бузишди. Қизиғи шундаки, улар орасида асоссиз тарқатиб юборилган секция қатнашчилари ҳам бор. Кўриниб турибдики, ўйланмай қилинган иш ёшлар тарбиясига, ахлоқига салбий таъсир этади.

Хуллас, хўжаликда жисмоний тарбия соҳасида қилиниши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Нуқсонларни бартараф этиш, спортни янада ривожлантириш совхоз раҳбарларининг диққат марказида бўлиши зарур.

А. БУРЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.
Сирдарё райони.

КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

ОЛТИНКЎЛ. Калинин номли колхозда 140 ўринли замонавий болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Кичкинтойлар масканн ҳамма қулайликларга эга. Ошхона, спорт зали, сув ҳавзаси, мусиқа ҳонаси, ёзлик-қишлик майдончалар болалар хизматида. Ота-она ва тарбиячиларга ёрдам бериш учун алоҳида бурчаклар ташкил қилинган.

М. АВДУЛЛАЕВ.



Урганч нон комбинатида янги бўлинма ишга туширилди. Бу ерда миллий нонлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Харидорларга манзур бўлаётган бу маҳсулотлар новвойхона яқинидаги махсус магазинда ва бошқа шохобчаларда сотиляпти.

СУРАТДА: магазиннинг ички кўриниши.

Қ. ОТАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА, НАТИЖА

БЎШ КЕЛИШМАЯПТИ

Биллур соврин — СССР кубоги учун навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда кутилмаган натижалар ҳам рўй берди. Масалан, Душанбеда олий лига вакили — маҳаллий «Помир» командаси билан Свердловскнинг «Уралмаш» коллективи ўртасидаги учрашув шундай бўлди. Меҳмонлар сафарда ўйнаганларига қарамай ҳимояга ўтиб олмадилар, аксинча ҳужумга катта эътибор бериб, мезбонларни доғда қолдирдилар. Натижада бир вақтлар нафақат биринчи, балки олий лигада ҳам ўйнаган «Уралмаш» футболчилари келгуси босқич баҳсларига йўлланма олишди.

«Металлист» (Харьков)—«Карпати» (Львов) учрашувида ҳам кутилмаган натижа такрорланди. Аввало шуни таъкидлаш зарурки, меҳмонлар иккинчи лигада ўйнайдилар. Агар иккала коллектив мавқеини қиёсласак, осмон билан ерча фарқ бор. Шунга қарамай «Карпати» футболчилари олий лига вакилини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Уфанинг «Гастелло» командаси ҳам бу босқич баҳсларида бўш келмади, келгуси мусобақаларга йўлланма олди.

Қуръа ташлаш йўли билан нимчоракда учрашадиган жуфтликлар ҳосил қилинди. Мана, улар: «Спартак» (Москва) — «Динамо» (Москва), «Карпати» (Львов) — «Торпедо», «Динамо» (Ставрополь) — «Черноморец» (Одесса), «Гастелло» (Уфа) — «Уралмаш» (Свердловск), «Днепр» — МАСК, «Шахтёр» — «Динамо» (Минск). Яна бир неча жуфтликлар кечиктирилган учрашувлар ниҳоясига етгандан сўнг аён бўлади.

МАЙДОНДА УСМИРЛАР

Кеча Венгриянинг тўрт шаҳрида ўсмирлар (18 ёшгача) ўртасида Европа биринчилиги байроғи кўтарилди. Унда қитъанинг саккизта кучли командаси қатнашмоқда. Улар ўртасида мамлакатимиз ўсмирлари ҳам бор.

Футболчиларимиз дастлабки учрашувни швециялик тенгдошлари билан ўтказадилар. Мусобақа тартиби ниҳоятда қаттиқ: ғалаба қилган командалар олтин медаллар учун қурашни давом эттирадилар, ютқазганлар эса мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

МАСК, «Металлист» (Харьков), «Днепр» (Днепропетровск), «Арарат» (Ереван), «Помир» (Душанбе), «Шахтёр» (Донецк), «Динамо» (Минск), «Локомотив», «Спартак» (Москва), «Нефтчи» (Боку), «Карпати» (Львов) командаларининг ёш ўйинчилари мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

ЯХШИ НИЯТ ЎЙИНЛАРИ

Шундай қилиб, АҚШнинг гўзал шаҳарларидан бири — Сиэтлда Яхши ният ўйинлари байроғи тантанали равишда кўтарилиб, мусобақалар қизигандан-қизиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 22 мамлакат вакиллари юқсак мукофотларни олишга муваффақ бўлдилар.

Ғолиблик учун қураш одатдагидек Совет ва АҚШ спортчилари ўртасида бормоқда. Америкаликлар жамғармасида 49 медаль бор. Уларнинг ўн еттитаси олтин, йигирматаси кумуш, ўн иккитаси бронзадир. Мамлакатимиз вакиллари эса 46 та нишонни қўлга киритдилар (16 та олтин, 16 та кумуш ва 14 та бронза).

Биз учун энг қувончлиси шуки, жумҳуриятимиздан Яхши ният ўйинларига борган спортчиларимиз ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар. Чунончи, лангарчўпда ҳаммадан баланд сакраган Радион Гатаулин олтин медаль билан тақдирланди. У 5 метру 92 сантиметрли маррани забт этди.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Ойнаи жаҳонда

26 ИЮЛЬ. ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
11.55 «Қоялар чорлайди». Телефильм.
12.20 «Энди сизни ким деб аташ керак?». Бадиий фильм («Мосфильм»).
* * *
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
Қувноқ ўтсин таътиллар
17.40 «Сеҳрли қулф». Мультфильм.
18.00 «Қонунни биласизми?». Усмирлар учун кўрсатувлар.
19.00 «Дала неъматлари — эл дастурхонига».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари».
20.20 Тижорат хабарлари.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...».
21.10 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
21.20 «Рақслар гулдастаси». Концерт.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Экран таништиради». Кинокўрсатув.
23.35 «Фожиага йўл қўймайман». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
01.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Горгоннинг боши». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
19.30 «Дўстлик» кўрсатувлари.
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 Еш ижрочилар концерти.
21.45 «Она ва бола».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Дмитрий II». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
8.50 «Оламни гўзаллик асрайди». Артекда мусиқий фестиваль.
9.30 «Ошхонадаги суҳбат ёки бахтиёр аёл монологи». Ҳужжатли фильм.
9.50 «Владимир Висоцкий. Монолог».
10.50 Болалар соати.
11.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время».
* * *
14.45 «Бизни ёшлик йўлга бошлади». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
15.50 Кубанинг миллий байрами — Миллий қўғолон куниға. «Бу — Куба». Кинопрограмма.
16.25 «Билмасвой рулда». Мультфильм.
16.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
18.00 «Время».
18.30 «Иллюзионли аттракцион».
18.55 «Билса ҳазил, билмаса чин».
19.30 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. Премьера.
20.30 «Время».
21.00 Яхши ният ўйинлари. Енгил атлетика.
23.00 «Боскичлар».
00.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари.
7.45 «Эл қатори». Телевизион ҳужжатли фильм.
8.15 «Ер юзида севги мавжуд экан». Фильм-концерт (Минск).
8.45 «Йўқолган хазинани излаб». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Грузия-фильм»).
9.50 «Топилмалар бюроси». Мультфильм.
10.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бу ҳаммаси у ҳақда». 3 ва 4-серилар.
12.35 «Қўғирчоқ театри олами». 3-кўрсатув.
* * *
16.25 Ритмик гимнастика.
16.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
17.00 «Осиё овози». Оммавий куй ва қўшиқлар ижрочилари I Халқаро телевизион конкурси ҳақида.
17.25 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Агар шу куй бўлмаганда...». Ҳужжатли фильм премьераси.
17.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Л. Бакрадзе фильмлари. «Шошиляпти».
19.00 Ироқ фольклор ансамблининг концерти.
19.25 Яхши ният ўйинлари. Сув полоси. СССР—АҚШ терма командалари.
20.25 Мусаввир А. Осмеркин голгофи.
20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз офтобга эргашиб борамиз». Мультфильм.
21.00 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Улик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
22.20 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Баранова куйлайди. Саратовдан кўрсатилади.
23.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
23.30 Яхши ният ўйинлари. Баскетбол. Эркаклар. Волейбол. Хотин-қизлар. Ярим финал.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—06220. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1233. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12